2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 171 (427), 2021 йил 25 август, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## “ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА



**Аҳмедов Муҳаммад Исматович**



**Аюпов Шавкат Абдуллаевич**



**Ғафуров Иброҳим Усмонович**



**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна**

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини ошириш, Ватанимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги катта хизматлари, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда жадаллик билан олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнидаги ташаббускорлиги, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фидокорона меҳнати, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маънавий соҳалардаги кўп йиллик самарали ва ибратли фаолияти, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга **“Ўзбекистон Қаҳрамони”** унвони берилиб, олий нишон — **“Олтин юлдуз”** медали топширилсин:

**Аҳмедов Муҳаммад Исматович** — Бухоро туманидаги “Маданият Муҳаммад Исмат” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

**Аюпов Шавкат Абдуллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти директори

**Ғафуров Иброҳим Усмонович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос олим

**Йўлчиева Муножатхон Абдувалиевна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси мудири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

## ДАРАХТЛАР МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ, ЭКОЛОГИЯ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 24 август куни экологик ҳолатни яхшилаш, дарахтлар муҳофазасини самарали ташкил этиш ва яшил ҳудудларни кенгайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам экологик муаммолар кўпаймоқда. Бунга баъзан табиий омиллар, кўп ҳолларда эса инсоннинг ўзи сабабчи бўлмоқда.

Масалан, сўнгги 4 йилда саноат корхоналари 2 бараварга ортиб, шаҳарларда чанг-газ миқдори меъёрдан 4 баравар ошган. Юртимиз ҳудудларида яшил майдонлар 3-4 бараварга қисқариб кетган. Сув камайиб, ер ости суви сатҳи ҳам пасайган.

Кўп қаватли уйлар оралиғидаги бўш жойларда қурилишлар қилиш, мораторий эълон қилинганига қарамасдан, дарахтларни кесиш, яшил ҳудудларни камайтириш ҳолатлари кўпчиликни ранжитмоқда.

Бу борада Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда маҳаллий ҳокимликларда жонкуярлик етишмаяпти, амалий ишлар кўринмаяпти.

Шу боис йиғилишда соҳадаги муаммолар танқидий муҳокама қилинди. Жойларда ишларни тизимли ташкил эта олмагани учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Алишер Мақсудов лавозимидан озод этилди.

Экологик ҳолатни яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Бу йил куз ойларида автомобиль йўллари, дала четлари, барча аҳоли масканларида 55 миллион дона, келгуси йил баҳор мавсумида 70 миллион дона тут, павловния, чинор, эман, ёнғоқ, жийда, терак каби мевали ва манзарали дарахтлар экиш вазифаси қўйилди.

Дарахтларни парваришлаш учун ҳар бир маҳаллага биттадан, туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлимларига камида 5 нафардан ишчи бириктириш зарурлиги таъкидланди.

Ҳокимларга шаҳарлар ва туманлар марказларидаги 4 минг 500 километр ички ирригация тармоқларини тиклаш бўйича топшириқ берилди.

Экологияни яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтиришда кўчатчилик жуда муҳим. Мисол учун, Андижон, Пахтаобод ва Марҳамат туманларида павловния етиштирувчи хўжаликлар ташкил этилган. Ёки, Ургут туманининг Хўжаидук ва Омонкўтон қишлоқларида ҳар бир хонадонда 2 минг тупдан манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маънавиятини юксалтириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, серқирра ижоди, самарали илмий-амалий фаолияти билан мамлакатимизнинг илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, адабиёт, маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш, ёшларимизни она юртга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги катта хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### “Ўзбекистон Республикаси фан арбоби” фахрий унвони

**Ахмедов Бабомурот Жураевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтининг назарий астрофизика бўлими мудири

**Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти директори

### “Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси” фахрий унвони

**Каримов Кенес Айтмуратович** — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Султонов Исажон Абдураимович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

### “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони

**Ахмедов Элмурод Ғанишерович** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали артист-мақомчиси

**Ашуралиев Фурқатбек Даврон ўғли** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали артист-мақомчиси

**Пиязов Женисбек Буркитович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, опера хонандаси

### “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” фахрий унвони

**Ахмедов Бойқўчқор Шодиевич** — Қарши туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик тўгараги раҳбари, бахши, Қашқадарё вилояти

### “Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми” фахрий унвони

**Балтабаев Тайир Илясович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, миниатюрачи рассом

### “Ўзбекистон Республикаси халқ устаси” фахрий унвони

**Аблакулов Нуъмон Махкамович** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Самарқанд вилояти

**Нарзуллаев Абдулла Ибодуллаевич** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Бухоро вилояти

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони

**Арабов Илёс Исматович** — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом чолғу ижрочилиги кафедраси мудири

**Исроилова Хурият Исмагиловна** — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг биринчи тоифали вокал артисти

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ, АДАБИЁТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг бетакрор ва ёрқин ижодий фаолияти, миллий истиқлол ғоясига садоқати билан Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз маданиятини юксалтириш, жамият ҳаётида эзгулик ва адолат, ватанпарварлик ва бағрикенглик каби қадриятларни қарор топтириш йўлида унутилмас хизмат қилиб, авлодларга қолдирган бой мероси, сермазмун ҳаёти ва ибратли инсоний фазилатлари билан эл-юртимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган қуйидаги марҳум ижодкорлар мукофотлансин:

### “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

**Азизов Мирзажон Мамаджонович** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

**Аминов Неъмат** — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

**Асомов Обид Агзамович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси

**Икрамова Дилдорхон (Дилбар Икромова)** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актриса

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

## ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорларнинг муаммо ва масалаларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август куни** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, инсофли солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришлари учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. **2021 йил 1 октябрдан** бошлаб экспорт қилинадиган товарлар учун ишлатилган, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланиши лозим бўлган (тўланган) қўшилган қиймат солиғи суммасини солиқ тўловчининг Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварағига **чет эл валютаси тушуми келиб тушишидан қатъи назар** ҳисобга олиш тартиби ўрнатилсин.

2. Ўрнатилсинки:

мазкур қарорнинг 1-бандида назарда тутилган имконият **охирги бир йил давомида валюта тушумларини ўз вақтида таъминлаб келаётган** ва экспорт шартномалари бўйича **муддати ўтган дебитор қарздорлиги бўлмаган — интизомли солиқ тўловчиларга** татбиқ этилади;

товарлар “экспорт” божхона режими остида чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида валюта тушуми ёки унинг бир қисми экспорт қилувчининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварағига келиб тушмаган тақдирда, қўшилган қиймат солиғининг ҳисобга олинган суммаси ёки унинг тегишли қисми белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ХАЛҚАРО КУЛОЛЧИЛИК ФОРУМИ ВА КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМА-САВДОСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қадимдан шаклланиб келаётган кулолчилик анъаналарини асраб-авайлаш, тиклаш ва ривожлантириш, халқаро даражада кенг тарғиб қилиш, кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг экспортини ошириш, уста кулол ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уста-шогирд мактаблари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. **2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Халқаро кулолчилик форуми ва кулолчилик маҳсулотлари кўргазма-савдоси** (кейинги ўринларда — Форум) ҳамда унинг доирасида илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, тақдимот ва намойишлар, кўргазма-савдолар, театрлашган концерт-томоша дастурлари, маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказиб борилсин.

Белгилансинки:

Форум ҳар икки йилда бир марта сентябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтказиладиган **Халқаро ҳунармандчилик фестивали билан уйғун ҳолда**;

дастлабки Форум ва унинг доирасида **“Анъанавий кулолчиликни сақлаш ва уни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар”** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция **2022 йил сентябрь ойида Фарғона вилоятининг Риштон туманида** Қўқон шаҳрида ўтказиладиган II Халқаро ҳунармандчилик фестивали кунлари ташкил этилади.

2. Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин, шунингдек, ушбу Ташкилий қўмита Форумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳам Ташкилий қўмита ҳисоблансин.

3. Ташкилий қўмитага (А.А.Абдухакимов):

Форумни юқори бадиий савияда ўтказиш, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, бу борада масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

Форум совриндорларига топшириладиган диплом ва сертификатлар намуналарини тайёрлаш ҳамда тасдиқлаш;

Форумни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш вазифалари юклансин.

4. Белгилансинки:

а) Форум Ташкилий қўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда келгусида босқичма-босқич республиканинг бошқа ҳудудларида ўтказилиши мумкин;

б) Форум бевосита (офлайн) ёки аралаш шаклда (офлайн-онлайн) ўтказилиши мумкин;

в) 2022 йилдан кейин Форумни ташкил этиш бўйича “йўл харитаси” “Ҳунарманд” уюшмаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда уни ўтказишдан **камида 6 ой олдин** белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Давоми 4-бетда

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Ташпулатов Хамид Артикбаевич** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Шамуротова Моҳичеҳра Абдинабиевна** — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг мақом хонандалиги кафедраси ўқитувчиси

## “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони

**Ахмедов Мухаммат-Али** — Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, ёзувчи

**Ибрагимов Оқилхон Акбарович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

**Искандарова Шарифа Мадалиевна** — Фарғона давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Фарғона вилояти

**Исоқов Тўлаган Ўлмасович** — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар билан ишлаш бўлими бошлиғи

**Матхаликов Исмоилжон Икромжонович** — Республика олимпия захиралари коллежининг гандбол бўйича мураббийси

**Ризаев Шухратулла Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

**Сирожиддинов Шуҳрат Самариддинович** — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори

## “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони

**Исомутдинов Зухридин Низамутдинович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**Мадраимов Абдумажид Абдураимович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири

**Мўминова Зулфия Мардоновна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Намуратов Эшбек Кунгирович** — Булунғур тумани маданият бўлимига қарашли “Чавқи” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, Самарқанд вилояти

**Низанов Муратбай** — Қорақалпоғистон Республикаси “Билим” нашриёти директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Норхўразов Курбон** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

## “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими” фахрий унвони

**Курбанов Холтура Абсатович** — Сурхондарё вилояти фтизиатрия ва пульмонология марказининг жарроҳлик бўлими мудири

**Тухтаназарова Гулнора Махмаджоновна** — Тошкент вилояти психофизик ривожланиши бузилган болалар учун ихтисослаштирилган болалар уйи бош шифокори

## “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони

**Эргашев Абдикамол Хасанович** — Чироқчи туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби шахмат мураббийси, Қашқадарё вилояти

Халқимизнинг илмий-интеллектуал салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, адабиёт, санъат, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари ҳамда оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари, юртимиз тараққиётини таъминлаш, жамиятда тинчлик ва ижтимоий-маънавий барқарорликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

## “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

**Акбаров Хабибулла Асатович** — Тошкент давлат техника университети профессори

**Аяпов Шарапатдин** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Қорақалпоғистон бўлими етакчи мутахассиси

**Муминов Теша Хусаинович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Рахимова Мукамбар Хакимовна** — “Ўзбекфильм” киноконцерни” давлат унитар корхонасининг дубляж бўлими бадиий раҳбари

**Сафаров Фиридон Саттарович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри саҳналаштирувчи режиссёри

**Усманов Тимурбек** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ион-плазма ва лазер технологиялари институти лаборатория мудири

## “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Абдукундузов Мухамадали** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Адилов Баходир Камилович** — “Ўзбекфильм” киноконцерни” давлат унитар корхонаси директори

**Азимова Арзу Нишановна** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа назарияси кафедраси профессори

**Азимова Шахноз Садиковна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудири

**Зиямухамедова Ёдгор Саиджоновна** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри олий тоифали артисти

**Ибодинов Алишер Умарович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, Фарғона вилояти

**Исаев Рихси** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг телекоммуникация инжиниринги кафедраси профессори

**Исмаилова Шохида Гапаровна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Исмоилов Абдурахим Исроилович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг овоз режиссёрлиги ва операторлик маҳорати кафедраси профессори

**Каримов Рустам Каримович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Қурязов Мансур Шавкатович** — Хонқа туманидаги “Жайҳун” халқ қўғирчоқ театри режиссёри, Хоразм вилояти

**Мажидов Қаҳрамон Халимович** — Бухоро муҳандислик-технология институтининг озиқ-овқат технологияси кафедраси профессори

**Маматов Фармон Муртозевич** — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Қарши филиали умумтехника фанлари кафедраси профессори, Қашқадарё вилояти

**Мансурова Манзурахон** — Қўқон давлат музей-қўриқхонаси директори, Фарғона вилояти

**Махмудов Шухрат Мансурович** — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, кинорежиссёр

**Мухамедов Гафурджан Исраилович** — Чирчиқ давлат педагогика институти ректори

**Мухиддинов Фатхиддин Фазлиддинович** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи

**Нарметов Рўзимбой** — Шовот тумани маданият бўлими қошидаги “Авазхон” фольклор-этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари, бахши, Хоразм вилояти

**Наумченко Татьяна Петровна** — Оҳангарон шаҳридаги “Мурувват” ногиронлар учун эркаклар интернат уйи ҳамшираси, Тошкент вилояти

**Очилов Эргаш Закирович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими

**Пардаев Туйма** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри етакчи саҳна устаси

**Пирматов Шерзод Турсунович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг вокал кафедраси профессори

**Саидов Сирожиддин Салохович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Узакова Карима Кабуловна** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри балетмейстери

**Улукова Мухтарам Маматхановна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Умарова Фаридахон Жўраевна** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Уринбаев Камолиддин Турдимуратович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори

**Холиков Рашид Тургунович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Шадманов Сулейман Нуруллаевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош хормейстери

**Шукуров Жўрақул Тилавович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг миллий қўшиқчилик кафедраси профессори

## “Дўстлик” ордени билан

**Абдукаримов Абдусаттор** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Геномика ва биоинформатика маркази бош илмий ходими

**Адашев Раджаб Халимович** — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

**Азизов Тохтамурат Халмахиметович** — эркин ижодкор, бадиий сўз устаси

**Ашуров Нигмат Рустамович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институти лаборатория мудири

**Байбобоев Набижон Гуломович** — Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаси кафедраси профессори, Наманган вилояти

**Бекимметов Умиджан Тажимуротович** — Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти, Хоразм вилояти

**Васькив Наталья Ивановна** — Қувасой шаҳар тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокор-инфекционисти, Фарғона вилояти

**Жуманиязова Гулсара Каражановна** — Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театри вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жўраев Зафар Ботирович** — Андижон машинасозлик институтининг инновацион таълим технологиялари бўлими профессори, Андижон вилояти

**Ибатулина Амина Афраимовна** — Ўзбекистон давлат сатира театрининг олий тоифали драма артисти

**Исломкулов Меманкул** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи, таржимон

**Исмаилова Гулнорахон Алижоновна** — Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори

**Исраилов Шукурулла Ахмадкулович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси бадиий сўз устаси

**Кадиров Батир Рахманкулович** — М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали психология кафедраси профессори

**Каримов Шукрилла Хамидиллаевич** — Ўзбекистон хоккей федерацияси бош котиби

**Каримова Наталья Эрмановна** — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Хитой тарихи, маданияти, сиёсати ва иқтисодиёти кафедраси профессори

**Картаев Анвар Рашидович** — Ўзбекистон давлат ёшлар театри актёри

**Комилов Ровшанжон Рахимович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Лақаев Саидахмат Норжигитович** — Самарқанд давлат университетининг математик физика ва функционал анализ кафедраси мудири

**Марипова Мохинисса Улкановна** — Поп туманидаги “Мурувват” ногиронлар учун эркаклар интернат уйи директори, Наманган вилояти

**Мирзаева Муборак Гайратовна** — Тошкент шаҳридаги “Сабо” миллий рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Мурадова Саодат Ғаниевна** — Иштихон туманидаги 3-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Самарқанд вилояти

**Мустаев Камол Туронович** — “Ипак йўли” туризм халқаро университетининг комплекс туризм тадқиқотлари кафедраси доценти, Самарқанд вилояти

**Назарова Эльвира Наримановна** — Тошкент шаҳридаги Пучон университетининг мактабгача таълим кафедраси мудири

**Овчинникова Ольга Даниловна** — Ўзбекистон давлат академик рус драма театри актёри

**Олимов Косим** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Физика-техника институти лаборатория мудири

**Остонов Равшан Рамазонович** — Қизилтепа туманидаги “Ванғози” фольклор-этнографик халқ ҳаваскорлик жамоаси бадиий раҳбари, Навоий вилояти

**Отамбетов Оралбай Нажиматдинович** — Нукус ихтисослаштирилган маданият мактаби ўқитувчиси, бахши, Қорақалпоғистон Республикаси

**Отахонов Олим Қобилович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таржимон

**Пазилджанов Жахонгир Гайратович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Пахратдинов Ажинияз Шарапатдинович** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси бадиий раҳбари

**Растригин Вячеслав Васильевич** — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби триатлон бўйича мураббийси

**Рахматуллаева Ёкутхон Турсунбаевна** — Наманган шаҳар маданият бўлимининг “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси бадиий раҳбари, Наманган вилояти

**Рахимов Хуррам** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг немис тили назарияси ва амалиёти кафедраси доценти

**Рузиев Чоршам Юлдашевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Саватюгин Олег Михайлович** — Спорт ўйинлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бадминтон бўйича бош мураббийси

**Сагдуллаев Рустам Абдуллаевич** — Ўзбекистон Киноарбоблар ижодий уюшмаси аъзоси, киноактёр

**Саидов Азиз Джураевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Салихова Наталья Владимировна** — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри саҳналаштирувчи режиссёри

**Саломов Шодмонқул Жумаевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Суропова Тўхтахон Ибрагимовна** — Ўзбекистон давлат драма театри драма артисти

**Терегулов Ринат Равилович** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Б.Зокиров номидаги эстрада-симфоник оркестри олий тоифали артисти

**Умарова Хидоятхон Мўминовна** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, дўппидўз, Фарғона вилояти

**Фаязов Кудратилло Садридинович** — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг табиий-математика фанлари кафедраси профессори

**Хаджаев Аъло Максумович** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

**Халбутаев Надиржон Жанузакович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари

**Хамидов Босит Набиевич** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири

**Ханимқулов Алиқул Жўлиевич** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, Сирдарё вилояти

**Хегай Татьяна Рудольфовна** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти лаборатория мудири

**Хужаев Саидахмад** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти лаборатория мудири

**Цецура Галина Афанасьевна** — Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Чутанова Гулнора Фозиловна** — Нурота туманидаги “Мурувват” ногиронлар учун эркаклар интернат уйи энагаси, Навоий вилояти

**Шераев Мамасидик Қамчибоевич** — Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри олий тоифали драма артисти, Фарғона вилояти

**Штерн Владимир Аронович** — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар кенгаши аъзоси

**Эрбутаева Угилой Суюновна** — Гулистон давлат университетининг Қатағон қурбонлари хотираси музейи директори, Сирдарё вилояти

**Юлдашев Бобур Бахадирович** — “Дийдор” ёшлар экспериментал театр-студияси” давлат муассасаси бадиий раҳбари

**Юлдашев Валерий Муратович** — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

## I даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Абдуллаев Фарход Бадалович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Бобажонов Боғибек Шарипович** — Хонқа туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, Хоразм вилояти

**Мамагиязова Ойниса** — Бўстонлиқ тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси педиатри, Тошкент вилояти

## II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Ахмедов Анваржон Хомидович** — Спортнинг якка кураш турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби от спорти бўйича бош мураббийси

**Ахмедов Нурмахамат Холматович** — Юнусобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

**Бабаханова Наргиза Нусратуллаевна** — Республика ихтисослаштирилган Гематология илмий-амалий тиббиёт марказининг 1-болалар гематология бўлими мудири

**Бекбосинова Пердегул Кеулимжаевна** — Қораўзак тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими болалар шифокори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Ботирова Гуландам Шакировна** — Тупроққалъа тумани тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси шифокори, Хоразм вилояти

**Джалилова Турсуной Шарифовна** — Булоқбоши туманидаги 21-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Андижон вилояти

**Дурдиева Рахимажон** — Урганч туманидаги 1-оилавий болалар уйи директори, Хоразм вилояти

**Зайлобов Лазиз Турғунович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг академик лицейи кимё фани ўқитувчиси

**Ибрагимова Мунаввара Ибрагимовна** — “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг Бухоро вилояти ҳудудий филиали ҳамшираси

**Казаков Аллаяр Раджапович** — Қорақалпоқ давлат университетининг жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси доценти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Карабаев Камалжан** — Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг даволаш-профилактика, соғломлаштириш ишларини ташкил этиш бўлими бош мутахассиси

**Маманова Умида Илхомжоновна** — Тошкент шаҳридаги 21-Меҳрибонлик уйи директори

**Маматкулова Насиба Алибаевна** — Жарқўрғон туманидаги 12-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Маткаримов Тошпўлат Қаршибоевич** — Оҳангарон шаҳридаги “Қурама” фольклор-этнографик халқ ансамбли раҳбари, Тошкент вилояти

**Мирзаева Рахбар Мамаджановна** — Қўқон шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйи директори, Фарғона вилояти

**Орипова Бибисара** — Самарқанд вилояти “Раҳмдиллик” жамияти раҳбари

**Холматова Дилфуза Холбобоевна** — Сариосиё туманидаги “Мурувват” ногиронлар учун аёллар интернат уйи энагаси, Сурхондарё вилояти

**Хусанбоева Лолахон Кобуловна** — Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси

**Яфаров Шамиль Газисович** — Ўзбекистон футбол ассоциациясининг фахрийлар кенгаши аъзоси

## I даражали “Саломатлик” ордени билан

**Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-трансплантологи

**Нарзуллаева Гузал Нормурадовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника бош шифокори, Тошкент шаҳри

**Субханкулов Ислам Субханкулович** — меҳнат фахрийси, Жиззах вилояти

**Убайдуллаев Ғайбулла** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Жиззах филиали хирургия бўлими мудири, Жиззах вилояти

**Шарипова Ирода Пулатовна** — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий консультатив-диагностика поликлиникаси шифокор-инфекционисти

**Эргашев Бердикул Журакулович** — Каттақўрғон туманидаги “Эргаш ота” хусусий тиббиёт маркази бош шифокори,- Самарқанд вилояти

## II даражали “Саломатлик” ордени билан

**Абдуллаева Муаттархон Илесовна** — Яшнобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори, Тошкент шаҳри

**Абидов Нодир Шукурович** — Тиббиёт бош бошқармасининг 1-марказий клиник шифохонаси компьютер томография бўлими шифокори

**Ахмедов Анвар Михмонович** — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг санатор-курортлар бошқармаси бошлиғи

**Бобоев Алишер Шукруллаевич** — Китоб туманидаги “Саломатлик академияси” хусусий клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Болтаев Алимардон** — Жиззах вилояти онкология диспансерининг хирургия бўлими мудири

**Гафнер Наталья Владимировна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази шифокор-пульмонологи

**Дусанов Джўрақул Наралиевич** — Зарбдор тумани кўп тармоқли марказий шифохонасининг шифокор-инфекционисти, Жиззах вилояти

**Ибадов Равшан Алиевич** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази реанимация ва интенсив терапия бўлими мудири

**Мўминов Абдисалим Нуритдинович** — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё филиали бўлим мудири

**Муминов Кобилжон Нурматович** — Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг 13-қишлоқ оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори, Андижон вилояти

**Мусинова Сановар Юсуфовна** — Тиббиёт бош бошқармаси 2-марказий клиник шифохонаси бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари

**Мустафаев Тожиддин Қурбонович** — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг болалар онкологияси жарроҳлиги бўлими мудири

**Насирова Рано Рахимовна** — Чилонзор тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий кўп тармоқли поликлиникаси мудири, Тошкент шаҳри

**Рахимова Олима Аминовна** — Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими шифокори

**Сапаров Кутфиддин Мамарасулович** — Хатирчи тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими мудири, Навоий вилояти

**Тогаев Ражаб Эгамбердиевич** — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг гематология бўлими шифокори

**Турдиева Нисо Сайиткуловна** — Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг кардиохирургия бўлими шифокор-кардиохирурги

**Умаров Аббос Казимджанович** — Шайхонтоҳур туманидаги “Тўртинчи стоматологик поликлиника” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент шаҳри

**Урунбаев Сундр Давлатович** — Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё филиали директори

**Хакимов Бегали Бобокулович** — Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус “2-Зангиота” шифохонаси реанимация бўлими мудири

**Хасанов Саидакрам Аскарович** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти оториноларингология кафедраси профессори

## “Соғлом турмуш” медали билан

**Баймуратова Жамила Абдижалиевна** — Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича Нукус олий спорт маҳорати мактабининг баскетбол бўйича мураббийси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Балтабаев Расул Тухтабаевич** — Элликқалъа тумани болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг самбо кураши бўйича мураббийси

Давоми 3-бетда

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ СОҲАЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-2-бетларда

**Гаюпов Анаркул Сатимбекович** — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби тоғ чанғиси бўйича мураббийси

**Мирзахалов Илхомжон Эркинович** — Чуст туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси, Наманган вилояти

**Нормуродова Инобат Кодировна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” teleradiokanali” давлат муассасаси сиёсий шарҳловчиси

**Оленникова Фаина Михайловна** — “Бунёдкор” стадиони қошидаги велоспорт тўгараги фахрий аъзоси, Тошкент шаҳри

**Пардаева Марҳабо Давлатовна** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Бухоро вилояти бўлими раҳбари

**Примова Санам Жумиёзовна** — Урганч олимпия захиралари коллежининг волейбол бўйича мураббийси, Хоразм вилояти

**Расулова Миножат Хашимовна** — Фарғона туманидаги “Келажак авлод” нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Фарғона вилояти

**Саидходжаев Собирходжа Султанходжаевич** — Фарғона вилояти спорт ўйинлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**Хакимов Карим** — фахрий велоспортчи, Фарғона вилояти

**Юлдашева Ирода Салахутдиновна** — Сергели туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактаби директори, Тошкент шаҳри

### “Келажак бунёдкори” медали билан

**Аяпов Саламат Бахиевич** — Қорақалпоқ давлат университетининг санъат кафедраси мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

**Қурбонов Бекзод Набиевич** — От спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби спортчиси

**Мадрахимова Дилором Алишер қизи** — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Навбаҳор” ашула ва рақс ансамбли биринчи тоифали балет артисти

**Мелдебеков Акжол Мелдебекович** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада хонандалиги кафедраси ўқитувчиси

**Пўлатов Лазиз Азамат ўғли** — Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактабининг таэквондо бўйича мураббийси

**Рахманқулов Сардорбек Усмонович** — “Даракчи” газетаси мухбири

**Рўзиохунов Алишер Анвар ўғли** — “Ижтимоий-ҳуқуқий медиа маркази” нодавлат нотижорат ташкилоти муҳаррири, Тошкент шаҳри

**Рустамова Дилафруз Исмоилжон қизи** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Семенова Ирина Мурадовна** — Шахмат бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси аъзоси

**Ташкенбаева Сабина Талат қизи** — Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бадиий гимнастика бўйича спортчиси

**Турсунхўжаев Саидакмалхўжа Саидмуродхўжа ўғли** — Тошкент шаҳридаги “Yoshlar ijod saroyi” нодавлат нотижорат ташкилотининг “Ёшлар миллий ансамбли” бадиий раҳбари, доирачи

**Умаров Ёрқинхўжа Азиз ўғли** — Тошкент шаҳридаги марказий маданият саройининг опера студияси бадиий раҳбари

### “Шуҳрат” медали билан

**Абдиримов Бекзод Муратбаевич** — Республика Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари

**Абдугаппаров Абдупаттах Абдураззакович** — Ўзбекистон давлат консерваториясининг вокал ва чолғу ижрочилиги педагогларини тайёрлаш кафедраси мудири

**Абдужаббаров Ахмаджон Адилжанович** — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Астрономия институти бош илмий ходими

**Абдуллоев Манучехр Муродуллоевич** — Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби академик эшкак эшиш бўйича катта мураббийси

**Абдурахманов Расулбек Юлдашбоевич** — Юнус Ражабий номидаги ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг достон ижрочилиги кафедраси жўрнавози

**Абдурахманова Мехрибон Дустмуратовна** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўзбек ва рус тиллари кафедраси мудири

**Азизохунов Авазбек Анварбекович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси бадиий сўз устаси

**Альтман Кирил Заминович** — Тошкент шаҳридаги “Кирилл Альтман” хусусий корхонаси раҳбари, блогер

**Аскаров Зафар Туробович** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри режиссёри

**Бакаров Нормурат Мирзаевич** — Термиз ихтисослаштирилган санъат мактабининг халқ чолғулари кафедраси ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Бекова Маҳкамтош Купайсиновна** — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**Бойбаева Нурхон Абдукадировна** — Чуст туманидаги ҳунарманд-дўппидўз, Наманган вилояти

**Боқиханова Муяссар Машрабхоновна** — Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

**Гиясова Угулхон Мамашариповна** — Наманган шаҳридаги “Саховат” кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйи хўжалик бекаси, Наманган вилояти

**Гафуржонова Умида Марибжоновна** — Қўрғонтепа туманидаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи энагаси, Андижон вилояти

**Дженалиева Роза Шералиевна** — Юқори Чирчиқ туманидаги “Балдирған бобе” нодавлат мактабгача таълим муассасаси раҳбари, Тошкент вилояти

**Дўстов Аслиддин Фазлиддинович** — Ўзбекистон давлат филармонияси хонандаси

**Жаббарова Дилярам Мирзамахмудовна** — Андижон туманидаги 7-мусиқага ихтисослаштирилган мактаб-интернати чанг синфи ўқитувчиси, Андижон вилояти

**Жумаев Шоназар Равшанович** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, ёғоч ўймакор устаси, Бухоро вилояти

**Жуманязова Гузал Азаматовна** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Жўраев Шоҳжаҳон Шерали ўғли** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Зиядов Хуршид Файзуллаевич** — Ўзбекистон давлат филармониясининг Сирдарё вилояти бўлинмаси хонандаси

**Зоҳидов Аброр Олимович** — “Kun.uz” веб-сайти мухбири

**Исаков Абдулхай Умарович** — Қўқон шаҳридаги от анжомларини ясовчи ҳунарманд, Фарғона вилояти

**Исмаилов Дилшод Рахманалиевич** — Гулистон олимпия захиралари коллежининг эркин кураш бўйича мураббийси, Сирдарё вилояти

**Исматова Наргиза Камаритдиновна** — “Зиё-зукко таълим маскани” нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

**Исмоилова Адолат Солиевна** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли мақомчиси

**Исмоилова Ёркиной Каримовна** — Қарши шаҳридаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи энагаси, Қашқадарё вилояти

**Исоқов Ғайрат Суюндикович** — Жомбой туманидаги “Чорвачи” фермер хўжалиги бошлиғи, чавандоз, Самарқанд вилояти

**Ишчанов Шерзоджон Шавкатович** — Тўрткўл тумани маданият бўлимининг “Мақом” халқ жамоаси жўрнавози, Қорақалпоғистон Республикаси

**Йўлдошев Абдурашид Абдувахабович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Кабулов Даврон Равшанович** — “Bravo Music” масъулияти чекланган жамияти раҳбари ва продюсери, Тошкент шаҳри

**Қодиров Ботир Шералиевич** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Маматиллахунова Мавлуда Адиловна** — Сирдарё вилояти мусиқали драма театрининг олий тоифали драма артисти

**Маматмуродов Равшан Бобораимович** — Денов туманидаги 16-болалар мусиқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

**Махмудова Насиба Акмаловна** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-оилавий поликлиника ҳамшираси, Тошкент шаҳри

**Мирмахсудов Баходир Мирфозилович** — Ўзбекистон давлат драма театри актёри

**Мухамедходжаев Уткур Баходирович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли бошлиғи ўринбосари

**Насирова Саодат Абдуллаевна** — Конфуций номидаги ўзбек-хитой институти директори, Тошкент шаҳри

**Нишонова Севара Норжигитовна** — “Daryo.uz” веб-сайти бўлим муҳаррири

**Норматова Малика Раҳимовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Отажонов Баҳодир Султонович** — Республика “Ҳунарманд” уюшмаси аъзоси, кулол, Хоразм вилояти

**Ражабов Ҳикмат Жумаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг халқ чолғулари ижрочилиги кафедраси доценти, бастакор

**Расулов Хуршид Нумонович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Ризаева Мунисахон Баходировна** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Розумова Рахила Абдикаримовна** — Ўзбекистон давлат филармониясининг “Лазги” ашула ва рақс ансамбли олий тоифали хонандаси

**Саидзода Озода Парпиевна** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Садуллаев Куранбай Ибадуллаевич** — “Моноқ масхарабозлари” халқ ансамбли бадиий раҳбари, Хоразм вилояти

**Сиримбетов Бакберген Жаксиликович** — Нукус ихтисослаштирилган маданият мактаби ўқитувчиси, жиров, Қорақалпоғистон Республикаси

**Солижонова Гулбаҳор Ўткиралиевна** — Наманган вилояти ихтисослаштирилган санъат мактабининг академик вокал хонандалиги кафедраси мудири

**Тилланазаров Озоджон Муҳаммаджонович** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли олий тоифали артист-мақомчиси

**Тўраева Клара Авазовна** — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли биринчи тоифали артист-мақомчиси

**Турсунова Манзура Турсуновна** — Жарқўрғон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби кураш бўйича мураббийси, Сурхондарё вилояти

**Тўхташев Ориф Абдумажидович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Узоқов Дилмурод Султонович** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг вокал кафедраси катта ўқитувчиси, актёр

**Хакимов Илхом Халилович** — Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Хакимов Умеджан Бахадирович** — Ўзбекистон Бадиий академиясининг Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби директори

**Хакимов Хуршид Анварович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Сирдарё минтақавий филиали рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлими бошлиғи

**Хакимова (Усмонова) Нилуфар Ибрагимхановна** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Хожасов Махсет Мамбетниязович** — “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли созандаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Худайбердиев Сарвар Худаёрович** — Ўзбекистон давлат симфоник оркестрининг олий тоифали оркестр артисти

**Хўжаев Отабек Кадамбаевич** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали ахборот технологиялари кафедраси мудири, Хоразм вилояти

**Шайхов Қамариддин Қутбиддин ўғли** — “Qalampir.uz” веб-сайти бош муҳаррири

**Шарипов Марат Мустафаевич** — Сурхондарё вилояти мусиқали драма театрининг олий тоифали драма актёри

**Ширинов Дилшод Кудратович** — Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволашга мўлжалланган махсус “1-Зангиота” шифохонаси бўлим мудири

**Эгамбердиева Малика Бахтиёровна** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТИМИЗДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ, АДАБИЁТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ СОҲАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА УЛКАН ҲИССА ҚЎШГАН БИР ГУРУҲ МАРҲУМ ИЖОДКОРЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Каримов Эргаш** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

**Қодиров Таваккал —** Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

**Қурбонов Раҳматжон Хударганович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда

**Масудов Фатхулла Ҳусанович** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр

**Миртожиев Жалолиддин Турсунович** — Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми, ҳайкалтарош

**Низомов Тўлан (Тўлан Низом)** — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Раҳимов Камолиддин** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

**Раҳмонов Шавкат Раҳмонович (Шавкат Раҳмон)** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

**Тожибоев Маҳмуджон Ғозиевич** — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи

**Умарбеков Ўлмас Раҳимбекович** — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

**Умаров Фахриддин** — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи

**Уснатдинов Шарап** — Қорақалпоғистон Республикаси халқ ёзувчиси

**Холмирзаев Шукур** — Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси

**Худойбердиева Ҳалима Умматқуловна** — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Худойшукуров Отажон** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

**Шарипов Ҳусан Ортиқович** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, актёр

### “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Абдуваҳобов Абдураим Абдуллахаевич** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, актёр

**Бўронов Икромжон** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, хонанда

**Жабборов Жуманиёз** — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири, драматург, таржимон

**Қодиржонова Дилнура** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, мақом ижрочиси

**Матчанов Аманбай (Омон Матжон)** — Ўзбекистон Республикаси халқ шоири

**Мухторов Омон Сулаймонович** — Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, шоир, ёзувчи

**Отажонов Ортиқ** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, хонанда

**Раҳимов Мирзоҳид Собитович** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, сухандон

**Раҳмонов Муҳаммади** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир

**Тожибоев Ҳожимурод Шодиевич (Ҳожибой Тожибоев)** — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, бадиий сўз устаси

**Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажитович** — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, сухандон

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

# ДАРАХТЛАР МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ, ЭКОЛОГИЯ ПОЛИЦИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу каби омилкорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолини сифатли кўчатлар билан таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда “Яшил замин” жамғармалари ташкил этилиши белгиланди.

Мутасаддиларга кўчатчиликка ихтисослашган хўжаликлар учун танлов асосида ер ажратиш, “Яшил замин” жамғармаси ҳисобидан аҳолига мевали ва манзарали дарахт кўчатларини бепул тарқатиш бўйича кўрсатма берилди.

Шаҳарларда яшил ҳудуд ва жамоат парклари ташкил қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Масалан, Қарши шаҳридаги 27 гектар майдонга эга Алишер Навоий номидаги истироҳат боғининг 11 гектари аттракционлардан тозаланиб, сокин ҳудудга айлантирилган. Китобхонлик бурчаклари, пиёда ва велосипед йўлаклари ташкил этилган.

Лекин, юртимиздаги 300 га яқин истироҳат боғлари турли вазирлик ва идораларга қарашли бўлиб, уларнинг аксарияти қаровсиз.

Шу боис, мутасаддиларга барча истироҳат боғларидаги дарахтларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, жамоат паркларини кўпайтириш бўйича топшириқ берилди. Таъкидланганидек, истироҳат боғларининг 70 фоизи яшил ҳудуд бўлиши керак ва уларда бино-иншоотлар қурилишига йўл қўйилмайди.

Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида биттадан сайилгоҳ, кўп қаватли уйлар жойлашган маҳаллаларнинг ҳар бирида яшил ҳудудлар ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, 60 километр каналлар бўйи, 250 километр пиёдалар йўлаклари атрофига манзарали дарахтлар экиш керак.

Тошкент шаҳар ҳокимига шу борада қатор топшириқлар берилди.

Маълумки, Президент фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясига кўра, дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига мораторий жорий қилинган эди. Ушбу чора муддати 2020 йил 31 декабргача бўлиб, у орқали 316 минг туп дарахт асраб қолинди.

Лекин шунга қарамасдан, 5 мингга яқин дарахтлар ноқонуний кесилган.

Шу боис, давлатимиз раҳбари бу борадаги чораларни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Хусусан, дарахтларни кесишга мораторий 2024 йилга қадар узайтирилади ва жавобгарлик кескин кучайтирилади. Яшил ҳудуд ва жамоат паркларидаги дарахтларни кесиш қатъиян тақиқланади.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида экология полицияси ташкил этилади. Унинг зиммасига экология соҳасидаги қонунбузарликлар, жумладан, дарахтларни рухсатсиз кесиш, чиқиндиларни ножоиз жойга ташлаш, браконьерлик каби ҳолатларга қарши курашиш вазифалари юклатилади.

Шу билан бирга, экология соҳасида қўлланиладиган жарималар миқдори 5 баравар, етказилган зарар учун компенсация миқдори 2 баравар оширилади.

Чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада давлат-хусусий шериклик йўлга қўйилган жойларда тартиб яхшиланган.

Хусусан, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Мингбулоқ ва Наманган туманларида маҳаллаларни санитар тозалаш хизматлари билан қамраб олиш даражаси 92 фоизга етиб, тушумлар 2 бараварга ошган.

Фарғонада 7 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилиниб, илк бор чиқиндиларни саралаш заводи ишга туширилган.

Бу тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенгайтириш, хусусий шериклик асосида янги лойиҳаларни амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Илм ва инновациялар ҳар бир соҳада зарур. Лекин бугунги кунда Экология қўмитаси тизимидаги 2 мингдан ортиқ ходимларнинг атиги 10 фоизи мутахассис ҳисобланади.

Шу боис, қўмита ҳузуридаги илмий-тадқиқот институти фаолиятини такомиллаштириш, олимлар ва кадрлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Бунинг учун мазкур илмий-тадқиқот институти замонавий техника ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланади. Докторантурага квоталар 2 баравар оширилади. Институтда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш ташкил этилади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ХАЛҚАРО КУЛОЛЧИЛИК ФОРУМИ ВА КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎРГАЗМА-САВДОСИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

г) Форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар **Ташкилий қўмита томонидан ишлаб чиқиладиган ва белгиланган тартибда тасдиқланган смета** асосида қуйидаги тартибда:

Форумга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ барча харажатлар Форум ўтказиладиган жой сифатида белгиланган **ҳудуд маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари**, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

Форумни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизи — Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари** ҳисобидан, **50 фоизи —** Форум ўтказиш белгиланган ҳудуд **маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари**, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Форум ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари билан ташкил этилган бошқа **халқаро маданий тадбирлар доирасида:**

а) **2022 йил 1 мартга қадар** Форум расмий веб-сайти ишга туширилади, жумладан, унда ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совғалари реализацияси ташкил этилади ҳамда веб-сайт электрон савдо платформалари билан интеграция қилинади.

Форум расмий веб-сайти орқали ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совғалари реализация қилинганда **2024 йил 1 октябрга қадар** давлат харидларини амалга оширишда тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади. Бунда, давлат буюртмачилари тўғридан-тўғри шартномалар тузилганлиги тўғрисидаги ахборотни шартнома тузилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталига жойлаштириши шарт;

б) музей дўконлари, эсдалик совғалари савдо тармоқларининг вакиллари, халқаро харидорлар, машҳур коллекционерлар тадбирларга таклиф этилади, уларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиши ва бўлиши билан боғлиқ харажатларини қоплаш ушбу халқаро маданий тадбирларнинг сметасида назарда тутилади. Бунда, уларнинг рўйхати тегишли халқаро тадбирларнинг ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади;

в) қонунчиликда хорижга олиб чиқиб кетиш учун бадиий экспертизадан ўтказилиши талаб этиладиган ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқа эсдалик совғалари улар **сотиб олинган кунда** тадбирлар ўтказилаётган **жойнинг ўзида тўлов ундирилмасдан** бадиий экспертизадан ўтказилади.

Ташкилий қўмита (А.А.Абдухакимов) ушбу бандда белгиланган вазифалар амалга оширилишини ташкил қилсин, Форум расмий веб-сайтини яратиш билан боғлиқ харажатларни Форумнинг харажатлар сметасида назарда тутсин.

6. Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х.Бозаров) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), "Ҳунарманд" уюшмаси (У.Т.Абдуллаев), Туризм ва спорт вазирлиги (У.А.Азамов) билан биргаликда **уч ой муддат**да Форумни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда Форумни 2022 йилда ташкил этиш бўйича **"йўл харитаси"ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин**.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Х.Камилов):

хорижий давлатлардан кулолчилик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар, маҳоратли кулоллар, амалий санъат усталари, соҳа олимлари ва мутахассислари, фахрий меҳмонларни Форумга таклиф этишда ташкилотчиларга амалий ёрдам кўрсатсин;

Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмасининг виза талабномаларига биноан Форумнинг хорижий иштирокчилари учун кириш визаларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов), "Ҳунарманд" уюшмаси (У.Т.Абдуллаев) ва Ёзувчилар уюшмаси (С.С.Саидов) билан биргаликда Форумнинг тантанали очилиш маросимини ҳар томонлама пухта ва бадиий жиҳатдан бетакрор усулда ўтказиш учун юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган **сценарийнавис ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, ҳунармандлар, саҳналаштирувчи рассомлар, истеъдодли санъаткор**ларнинг белгиланган тартибда кенг жалб этилишини таъминласин.

9. Форум ўтказиладиган жой сифатида белгиланган ҳудуд инобатга олинган ҳолда тегишли равишда **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари**, жумладан, 2022 йилда ўтказиладиган Форум бўйича **Фарғона вилояти ҳокимлиги** (Х.Х.Бозаров):

а) тегишли ҳудудларда кенг кўламли ободонлаштириш **ва кўкаламзорлаштириш ишлари** амалга оширилишини, Форум ўтказиладиган саҳна майдонлари ҳамда жойларнинг талаб даражасида тайёрланишини;

б) Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Кинематография агентлиги ва Бадиий академия билан биргаликда:

Форум доирасида тадбирлар ўтказиладиган ҳудудда кулолчилик санъатига оид турли **кўргазмалар**, **кулолчилик буюмлари, қадимий кулолчилик дастгоҳлари ва маҳсулотларини** яратиш жараёнлари, кулолчиликка оид бадиий ва ҳужжатли **фильмлар**, **китоблар**, **альбомлар**, **фотосуратлар** намойиши ва **уларнинг сотуви** ташкил этилишини;

Форум доирасида театрлаштирилган **томошалар**, **аския** ва **қизиқчилар**, **фольклор** ва **дорбозлик** жамоаларининг томоша дастурлари намойиш этилишини;

Форум дастури ишлаб чиқилишини ва Форум бошланишидан **уч ой олдин туристик ташкилотларга тақдим этилишини**, Интернет тармоғи ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирилишини;

Форумнинг **туризм календарь** режасига киритилишини ҳамда унга хорижий меҳмонлар ва сайёҳлар жалб қилинишини;

в) Туризм ва спорт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда Форум қатнашчилари ва меҳмонлар учун **меҳмонхоналардан жой ажратилишини таъминласин**.

10. Қуйидагилар:

Фарғона вилояти ҳокимлиги (Х.Х.Бозаров) Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси, "Ҳунарманд" уюшмаси билан биргаликда 2022 йил якунига қадар миллий ҳунармандчиликнинг **кулолчилик** йўналишларини **ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритишга** тавсия этиш бўйича;

Фарғона, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Ҳунарманд" уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2025 йил якунига қадар тегишлича ҳунармандчиликнинг ҳудудда ривожланган йўналишини инобатга олиб, **Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Шаҳрисабз ва Нурота шаҳарларини Жаҳон ҳунармандлари шаҳри мақоми**ни олишга тавсия этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу бандда назарда тутилган тадбирлар халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда хорижий эксперт ва малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11. Транспорт вазирлиги (И.Р.Махкамов) Форум қатнашчиларини Савдо-саноат палатаси ва "Ҳунарманд" уюшмаси буюртмаларига мувофиқ, белгиланган тартибда авиа ва темир йўл чипталари билан таъминласин.

12. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Савдо-саноат палатаси (А.И.Икрамов) ва "Ҳунарманд" уюшмаси (У.Т.Абдуллаев) билан биргаликда Форумга ташриф буюрувчи хорижий меҳмонлар ва қатнашчиларни **кутиб олиш, жойлаштириш ва уларни** Форум ўтказиладиган ҳудудга **юборишни ташкил этсин**.

13. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Хаджибаев) Форум ўтказиладиган жойларда ва ушбу тадбирлар давомида тез тиббий ёрдам пунктларини ташкил этсин ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя қилинишини назорат қилсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев), "Дунё" ахборот агентлиги (С.Л.Суяров) ва бошқа оммавий ахборот воситалари Форумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб боришни ташкил этсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Савдо-саноат палатаси раиси **А.И.Икрамов** ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси раиси **У.Т.Абдуллаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси **А.А.Абдувахитов** зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 23 август

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

# ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилансинки, **2022 йил 1 январдан бошлаб**:

қўшилган қиймат солиғининг салбий суммасини қоплаш (қайтариш) учун солиқ органларига **ариза билан алоҳида мурожаат қилиш ҳақидаги мажбурий талаб бекор қилинади**;

солиқ тўловчига тегишли солиқ даври учун солиқ ҳисоботини топширишда, солиқ органларини хабардор этган ҳолда қўшилган қиймат солиғи салбий суммасини қоплаш (қайтариш) талабини билдириш ҳуқуқи берилади.

Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) **уч ой муддатда** қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи шаклларига солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғининг салбий миқдорини қоплаб бериш (қайтариш) бўйича солиқ органларига мурожаат қилишни акс эттирувчи тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин.

4. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев), Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Садиков) билан биргаликда **2021 йил якунига қадар** товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартибини ишлаб чиқсин ва мазкур тартибни тажриба тариқасида **2022 йил 31 декабргача** амалиётга жорий қилсин.

5. Молия вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарор моҳияти ва мазмунининг, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали кенг тушунтирилишини ташкил қилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 август

# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги йиғилишида **Кинематография агентлиги бош директори Ф.Абдухаликов, маданият вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ахмедов, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаев, Бухоро вилояти ҳокими Б.Зарипов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов**, масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришда Кинематография агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларининг роли ва масъулияти тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Кино санъати ва саноатини янги босқичга олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги фармони ҳамда **"Кинематография соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳа вакилларининг ижодий фаолияти учун муносиб шароит яратиш тўғрисида"ги** ва **"Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"**ги қарорларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлиги ва уларнинг бажарилиши бўйича шахсий жавобгарлик масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда **кинематография соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли истиқболли ислоҳотлар**, хусусан, инвестиция соҳасини либераллаштириш ва бу соҳани ривожлантириш учун яратилаётган қулай шарт-шароитлар, кино саноатида **"Rebate"** тизими, кинотеатрлар учун солиқ ва божхона имтиёзлари, "Ўзбекфильм" киноконцернида яратилаётган шароитлар ва имкониятлар қайд этилди.

Қатор компаниялар аллақачон янги имтиёзлардан фойдаланишган ва натижада жорий йилнинг охирига қадар 8 та янги замонавий кинотеатрлар очилиши режалаштирилган бўлиб, булар:

жами **9,7 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги хусусий инвестициялар;

**2 159 та** томошабин ўрни;

**18 та** DCP форматидаги катта экранлар;

**134 та** янги иш ўрни;

**8 та** янги овқатланиш майдончаси;

замонавий кинотеатрлар географиясини кенгайтириш орқали **Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Урганч** шаҳарларида янги мультикомплекслар очилади.

Шу билан бирга, йиғилишда юқоридаги ҳужжатлардаги топшириқларни бажариш жараёнидаги камчиликлар танқидий муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги фармонида кўрсатилган Кинематография агентлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларида **ижро интизоми механизмини** амалга ошириш муҳокама қилинди.

**Йиғилишда кинематография фаолиятини янада ривожлантириш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар белгиланди:**

кинематографистларнинг, шу жумладан, ташкил этилаётган Ўзбекистон кинематография академиясида фильмлар яратиш билан шуғулланувчи продюсерларнинг **касбий маҳоратини ошириш**;

хорижий компаниялар учун **"Rebate"** тизимини мукаммаллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари учун бир қатор бадиий, ҳужжатли ва мультипликацион фильмларнинг **кино ва теле намойишларини ташкил қилиш**;

**туристик компанияларни кинотуризм соҳасига жалб қилиш**, кинолокациялар ва суратга олиш объектларини яратишни рағбатлантириш.

**Йиғилиш якунлари бўйича Кинематография агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига** қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва киритиш топширилди:

видеоконтент томоша қилишга ихтисослашган Ўзбекистон кинематография агентлиги, **миллий стриминг-платформа** фаолиятини ташкил қилиш;

маълумотлар маркази ва Кинематография агентлиги биноси ўртасида VPN тармоғи орқали юқори тезликдаги алоқа билан таъминлаш;

Маданият вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигига маданият марказлари, театрлар ва ёшлар саройларини техник жиҳатдан мукаммаллаштириш орқали уларни фильмларни DCP форматда намойиш этиш қурилмалари билан жиҳозлаш топшириғи берилди.

Шу билан бирга, Раёсат йиғилишида **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 7 апрелдаги ПФ–6202-сон Фармони ва ПҚ–5060-сон ҳамда 2021 йил 19 июндаги ПҚ–5151-сон қарорларида** белгиланган вазифалар ижроси ҳолатини ўрганиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича Ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗАРВАРАҒИДАГИ ЯНГИ САҲИФА

## Навоий кон-металлургия комбинатида улкан корхона иш бошлади

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

**Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2021 йилда Навоий кон-металлургия комбинатида 2 та йирик металлургия заводини барпо этиш вазифаси белгилаб берилган эди. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ана шу корхоналарнинг бири — 7-гидрометаллургия заводи фойдаланишга топширилди.**



Замонавий заводлар қуриш бўйича бой тажриба тўплаган жамоа аҳли ғоят қисқа даврда мазку заводни ишга туширди. Қурувчи ва мутахассислар азму шижоати билан лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичида маъданни қайта ишлашга ихтисослашган тўртта тегирмон блоки фойдаланишга топширилди. Утган йили унинг биринчи босқичи иш бошлаши ҳисобига заводда 10 миллион тонна маъданни қайта ишлашга эришилган эди.

— Корхонамиз технологик жиҳатдан бошқа турдош заводлардан ажралиб туради, — дейди 7-гидрометаллургия заводи директори Фарҳод Чўлиев. — Корхона таркибида олтин кам бўлган маъданлардан энг мураккаб жараёнга таянган ҳолда, яъни, кислотали ишқор технологияси асосида қайта ишланиб, маҳсулот олишга ихтисослашган. Кимёвий ишлов беришда маҳаллий маҳсулотлар ишлатилиши унинг таннархини янада арзонлаштириш имконини беряпти. Қувонарлиси, заводимизда минглаб янги иш ўринлари яратилиб, унга ёш кадрлар, асосан, Навоий давлат кончилик институти битирувчиларини ишга қабул қилдик.

Ёдимизда бор, бир пайтлар комбинатда бирон-бир ишлаб чиқариш қуввати ёки оддий цех ишга тушириладиган бўлса, четдан мутахассис олиб келинарди. Сўнгги йилларда бу тизимга тамоман чек қўйилди. Эндиликда маҳаллий кадрлар тажриба тўплаб, замонавий технологияларга асосланган, халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган корхоналар қуришни, айни чоғда уларни ишлатиш ҳамда бошқаришни тўла ўзлаштиришди. Бу ҳам, албатта, истиқлол иноятидир, сўнгги йилларда маҳаллий кадрларга эътибор, уларни тайёрлашга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Илгари ишлаб чиқариш корхонаси қурилса, мураккаб ускуналарни қўя турайлик, ҳатто оддий больтни ҳам чет элдан олиб келишга тўғри келган. Сўнгги йилларда бу борада олиб борилган тинимсиз изланишлар туфайли бунга барҳам берилди. Эндиликда наинки больтлар, балки илгари хориждан валютага келтирилган кўплаб дастгоҳлар, бутловчи материаллар билан бир қаторда ўта мураакқаб ва қимматбаҳо шарли тегирмонларгача комбинат бўлинмаларида тайёрланмоқда.

Мисол учун, завод қурилишида қўлланилган асосий технологик ускуналар Навоий машинасозлик заводида ишлаб чиқарилиши эвазига 56 миллион долларга яқин валюта маблағи тежалди. Бу ҳам комбинат мутахассисларининг ақл-заковати, профессионал малакаси, заҳматли меҳнати уйғунлигида вужудга келган янгича салоҳиятнинг маҳсули ҳисобланади.

Тўйга тўёна билан деганларидек, "Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!" шиори остида нишонланаётган шукуҳли айём арафасида "Мурунтов" конида ҳам муҳим бир объект фойдаланишга топширилди ва табиийки у ҳам қутлуғ айёмга муносиб совға бўлди.

Бу ерда тик-қияли конвейер — "КНК-270" ишга туширилиши кон-металлургия тарихида муҳим янгилик бўлди. Бинобарин, ҳозирги кунда "Мурунтов" геологлар томонидан жаҳондаги энг йирик олтин захирасига эга кон сифатида эътироф этилиб, унинг ҳажми 4 минг тоннадан ортиқ, дея баҳоланган. Ҳозирги пайтда ундан йилига 42 миллион тоннадан ортиқ маъдан қазиб олинаётган бўлса, яқин келажакда бу кўрсаткични 50 миллион тоннага етказиш кўзда тутилган.

Айни пайтда қиймати 733,9 миллион доллар бўлган ва қарийб 1800 нафар янги иш ўрини яратиш имконини берувчи "Мурунтов" конини ўзлаштиришнинг V навбати" лойиҳаси бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бундан кўзланган мақсад комбинатда қимматбаҳо металлар ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишдир.

Мазкур лойиҳа майдалаш ва узатиш пункти, қия-магистрал ва ағдарма ташиш конвейерлари, темир йўл ўтиш иншооти каби қисмларни ўз ичига олади. Майдалаш ва узатиш пункти автомобиль ва конвейер транспортининг кесишмасида жойлашган бўлиб, кондаги тошларни маълум миқдоргача майдалаб, сўнгра қия магистрал конвейерга узатади. Унинг умумий қуввати соатига 7 минг тоннани ташкил этади.

Барча конвейерлар Навоий машинасозлик заводида тайёрланиб, уларни йиғиш ишлари Зарафшон қурилиш бошқармаси, "Жанубсаноатмонтаж" акционерлик жамияти ҳамда Марказий кон бошқармаси мутахассислари ва ишчилари томонидан амалга оширилди.

Бу ютуқлар замирида кончиларнинг ўз касбига садоқати, Президенимизнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига юксак ишончи ва улкан корхонани ҳамиша қўллаб-қувватлашининг амалий жавоби мужассам. Улар бир тану бир жон бўлиб, якдил ва аҳил ҳаракат қилиб, белгиланган вазифаларни муддатидан олдин бажаришга, бошқача айтганда, Янги Ўзбекистон тарихининг янги саҳифаларини зарҳал ҳарфлар билан безашга қодирликларини амалда намоён этмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲОТЛАРИ — АМАЛДА

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АДЛИЯ: ЮТУҚЛАР, ХУЛОСАЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

**Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 30 йиллигига ҳам саноқли кунлар қолди. Гарчи 30 йил кўҳна тарих олдида бир лаҳзадек бўлса-да, халқимиз тақдирида ва тарихимизда туб ўзгаришлар, янгиланишлар, муҳим ислоҳотлар даври сифатида ёрқин из қолдирди. Ўтган йилларда жамиятимизнинг барча йўналишларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш йўлида салмоқли ютуқларни қўлга киритдик.**



*Бу борадаги ислоҳотлар сўнгги йилларда янада жадаллашди. Миллий қонунчилигимизни замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун ва қононости ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.*

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири* ***Русланбек ДАВЛЕТОВ*** *билан суҳбатимиз айни йўналишда қилинган ишлар, эришилган натижалар ва истиқболдаги вазифалар хусусида бўлди.*

— Мустақиллик ва ҳуқуқ. Бу икки тушунча бир-бирига шу қадар боғлиқки, бирини иккинчисидан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Аслида мустақилликнинг ўзи ҳуқуқ демакдир, — деди Р.Давлетов. — Бундан ўттиз йил аввал халқимизга насиб этган ана шундай порлоқ толе ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётида янги саҳифаларни очди. Аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш ва давомийлигини таъминлаш йўлида муҳим ишлар қилинди. Бу жараёнда мустақил Ватанимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкам барпо этиш доимий эътиборда бўлди. Айниқса, сўнгги йилларда бу йўналишда ишлар тубдан такомиллашмоқда.

Президентимиз яқинда "Янги Ўзбекистон" газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида бу хусусда тўхталиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлиги, очиқлик ва ошкоралик, сўз эркинлиги, дин ва эътиқод эркинлиги, жамоатчилик назорати, гендер тенглик, хусусий мулк дахлсизлиги, иқтисодий фаолият эркинлиги сингари фундаментал демократик тушунчалар ва ҳаётий кўникмалар ҳозирги вақтда реал воқеликка айланиб бораётгани мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Мазкур ғоя ва йўналишлар интервьюда катта ўрин олгани ушбу институтларнинг давлат ва жамият ривожи учун долзарблигидан далолат беради.

Иқтисодий устуворликка йўл очиш керак, албатта. Бунда иқтисодий, мулкий ҳуқуқларнинг устуворлигини, уларнинг дахлсизлигини таъминлаш ҳуқуқий меъёрларга бориб тақалади. Бунда асосий урғу қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлаш, адолатни қарор топтириш орқали аҳолида давлатга нисбатан ишончни кучайтиришга қаратилган.

Бу йўналишдаги муҳим чора-тадбирларни амалга оширишда қонунчилик тизимидаги ислоҳотлар юксак самара бераётир. Зеро, ҳар бир иш ва ҳаракатимиз кутилган самара бериши учун, аввало, унинг ҳуқуқий ва ташкилий асоси мустаҳкам бўлиши лозим. Шу мақсадда сўнгги йилларда қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш йўналишида эришилган натижалар ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бу йўналишда хорижий ва маҳаллий экспертлар билан биргаликда мамлакатимиз тарихида илк бор миллий қонунчилик базаси ялпи хатловдан ўтказилди. Эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган, ҳаддан ташқари тартибга солиш юкини, бюрократик тўсиқ ва ғовлар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида чалкашликларни келтириб чиқараётган 7 000 дан ортиқ қонунчилик ҳужжати бекор қилинди. Давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари бўйича қайта кўриб чиқиш орқали норматив-ҳуқуқий база кераксиз ҳужжатлардан "тозаланди".

**— Қонунчилик ҳужжатларининг мукаммал бўлиши учун уларни қабул қилишда жамоатчилик фикрини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда кейинги йилларда қандай ишлар амалга оширилди?**

— Қонун қачон мукаммал бўлади, қачонки, уни қабул қилишда халқ фикри инобатга олинса, чунки аҳоли қонунлар буюртмачиси ҳисобланади. Сўнгги йилларда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ана шу тамойил устувор мезон этиб белгиланди. Ҳужжат лойиҳалари ахборот-таҳлилий материаллар билан бирга оммавий муҳокамага чиқарила бошланди. Муҳокама қатнашчилари учун лойиҳаларни коррупцияга қарши экспертиза, гендер экспертиза ва лойиҳани қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан баҳолаш (сўровнома) имконияти яратилди. Лойиҳаларни жамоатчилик томонидан муҳокама қилиш жараёнида келиб тушган таклифларни ишлаб чиқувчи ташкилотларга кўриб чиқиш мажбурий қилинди. Шу тартибда бугунги кунга қадар regulation.gov.uz порталида 10 000 га яқин лойиҳа жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди.

Норма ижодкорлиги бўйича ҳам изчил иш олиб борилди. Бунинг натижасида норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда "пакет" принципи жорий этилди. Бу принцип янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда уни ижро этишга қаратилган ҳаволаки нормалар, илгари қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш, идоравий ҳужжатларга бир хил масаладаги ўзгартириш ва қўшимчалар битта ҳужжат билан амалга оширилишини назарда тутади. Қонун лойиҳаси у билан боғлиқ ҳужжатлар билан биргаликда ишлаб чиқилади.

Янги таҳрирдаги қонун ҳужжати ўрнига янги, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун ҳужжатини қабул қилиш ва бир вақтнинг ўзида амалдаги қонун ҳужжатини ўз кучини йўқотган деб топиш амалиёти йўлга қўйилди. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни Адлия вазирлигида мажбурий тартибда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ҳамда ижобий хулоса олингандан сўнг ҳисобга олиш ва кучга кириш тартиби белгиланди.

> **ҚОНУН ҚАЧОН МУКАММАЛ БЎЛАДИ, ҚАЧОНКИ, УНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ХАЛҚ ФИКРИ ИНОБАТГА ОЛИНСА, ЧУНКИ АҲОЛИ ҚОНУНЛАР БУЮРТМАЧИСИ ҲИСОБЛАНАДИ. СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА АНА ШУ ТАМОЙИЛ УСТУВОР МЕЗОН ЭТИБ БЕЛГИЛАНДИ. ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН БИРГА ОММАВИЙ МУҲОКАМАГА ЧИҚАРИЛА БОШЛАНДИ. МУҲОКАМА ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН ЛОЙИҲАЛАРНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА, ГЕНДЕР ЭКСПЕРТИЗА ВА ЛОЙИҲАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ ЮЗАСИДАН БАҲОЛАШ (СЎРОВНОМА) ИМКОНИЯТИ ЯРАТИЛДИ.**

Айтиш керакки, сўнгги йилларда норма ижодкорлиги жараёнининг такомиллашиши ва янги ҳуқуқий институтларнинг вужудга келиши натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ҳам ортди. Жумладан, 2015 йилда 1 500 тага яқин ҳужжат лойиҳаси Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда қарийб 2 500 тага етди. 2021 йилнинг ўтган даврида эса 1 400 тадан ортиқни ташкил этди.

Норма ижодкорлиги жараёнига рақамли технологияларнинг жорий этилиши янада катта имкониятлар яратмоқда. Ҳозирги кунда лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш ҳамда кўриб чиқиш (қабул қилиш) учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш тўлиқ электрон форматга ўтказилди. Project.gov.uz, Regulation.gov.uz, E-qaror.gov.uz электрон тизимлари ишга тушиши натижасида қоғозбозликка чек қўйилди.

**— Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда очиқлик ва адолатни таъминлашда коррупциянинг олдини олиш устувор вазифага айланмоқда. Вазирлик тизимида бу йўналишда қилинаётган ишлар кутилган натижаларни беряптими?**

— Коррупциявий ҳолатларни минимал даражага туширишда ҳар бир давлат органининг қатъий вазифаси бор. Буни яхши англаган Адлия вазирлиги ўз тизимида коррупцияга қарши қатъий позициясини билдириб, жиддий амалий чора-тадбирларни қўллашга киришди. Таъкидлаш жоиз, адлия тизими авваллари ҳам коррупция кўрсаткичи энг юқори давлат органлари сафида турмас эди. Аммо нотариусга иши тушган одам борки, бу иллатдан азоб чекканини рад этиб бўлмайди. Бугунги кунда электрон ҳужжат алмашинуви, "Нотариус" биллинг тизими, видеокузатув ва бармоқ сканерлаш тизими, фаол нотариус модели каби инновацион ёндашувлар сабаб нотариат анча такомиллашди. Натижада хусусий нотариал идораларнинг фаолият юритишига ҳам рухсат берилди.

Адлия вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашишнинг комплеанс назорат тизими жорий этилди. Мақсад — соҳада пора олиш учун мутлақо имкон қолдирмаслик. Шу сабабли дунёнинг етакчи KPMG компанияси билан ҳамкорликда махсус лойиҳа ишга туширилди. Лойиҳанинг асосий мақсади коррупцион хавф-хатарларни комплекс бартараф этиш орқали адлия тизимини коррупциясиз соҳага айлантиришдир.

Бундан ташқари, адлия органлари ва муассасалари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олишга рухсат берилди. Адлия органлари ва муассасаларидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарлар дарҳол ва ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида "@antikorbot" номли махсус бот яратилди. Максимал даражадаги шаффофликни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлигида "Очиқ адлия" дастури қабул қилинди. Дастур фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш имконини кучайтирди. Эътибордан четда қолаётган камчиликлар, қолаверса, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича бевосита жамоатчилик ёрдамига таянилмоқда. Вазирлик биносида хизмат хоналарининг жойлашиш тартиби ҳам очиқлик ва шаффофлик тамойили асосида қайта кўриб чиқилди. Ходимлар кунлик фаолиятини бемалол кузатиб бўладиган даражада жойлаштирилди. Бу эса назоратни, иш унумдорлигини оширади.



Очиқликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, шубҳасиз, молиявий маълумотлардир. Маблағларнинг сарфи, қаердан келиб қаерга кетаётгани, нима мақсадларда ажратилаётгани, умуман, Адлия вазирлиги ва таркибий бўлинмаларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар вазирлик веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда. Бунда харажатлар, уларнинг ҳисоботлари, харид қилиш бўйича шартномалар рўйхати билан танишиш мумкин бўлади. Адлия органларининг ҳар йил якуни бўйича аҳолига бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот бериш тизими яратилди.

Коррупцияга қарши курашиш ишлари натижасида халқаро "CERT International" ташкилоти томонидан 2020 йил 7 сентябрда Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими ISO 37001:2016 халқаро стандартига мувофиқ деб баҳоланиб, вазирлик давлат бошқаруви органлари орасида биринчилардан бўлиб халқаро мувофиқлик сертификатига эга бўлди.

**— Ҳаётимизнинг турли соҳаларида ҳуқуқий муносабатларни расмийлаштиришда давлат хизматларига тез-тез эҳтиёж сезамиз. Сўнгги йилларда бу тизимда бюрократик тўсиқларнинг тубдан қисқаргани қандай самара бермоқда?**

— Бу хусусда сўз юритиш учун, аввало, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатилаётган хизмат турлари уч йил давомида қарийб 4 баробар ортиб, 37 тадан 157 тага етганини, шундан 45 таси бепул хизмат эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бир кунда ўртача 57 минг аҳолига давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Аҳолига енгиллик яратиш мақсадида айрим давлат хизматларини кўрсатиш учун тўловлар бекор қилинди.

Мисол учун, фуқароларнинг номида шахсий турар-жой мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш хизмати учун тўлов базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) 20 фоизидан (49 000 сўм) 3 фоизга (7 350 сўм) камайтирилди, хизмат кўрсатиш муддати 5 иш кунидан 3 иш кунига қисқартирилди. Шунингдек, судланганлик ҳақида маълумотнома, манзил-маълумот ахборотларини тақдим этиш хизматлари учун тўлов БҲМнинг 10 фоизидан (24 500 сўмдан) 3 фоизига (7 350 сўмга) камайтирилди. Бунинг натижасида йилига қарийб 7,6 миллиард сўм маблағ аҳолининг ўзида қолиши таъминланади.

Аҳоли ва тадбиркорлардан 18 турдаги маълумот ва ҳужжатлар талаб қилиниши бекор қилинди. Ваколатли давлат органларининг электрон тизимлари "Электрон ҳукумат" платформасига интеграция қилинди. Эндиликда ушбу ҳужжатлар фақат электрон дастур орқали олинади. Бунинг натижасида йилига ўртача 20 миллиард сўм маблағ аҳолининг ўзида қолишига эришилади.

ФҲДЁ архивларида сақланаётган қоғоз шаклидаги 60 миллионга яқин архив маълумоти тўлиқ рақамлаштирилди. Фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш экстерриториал тамойил асосида амалга оширилиши йўлга қўйилди.

**— Сир эмас, лицензиялаш ва рухсатномалар бериш бўйича тартиб-таомиллар илгари тадбиркорлик ривожига жиддий тўғаноқ бўларди. Сўнгги йилларда бу соҳада яратилган қулайликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Бу борада охирги йилларда тизимли ҳуқуқий ва ташкилий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг "Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан, лицензияланадиган ва рухсатнома олиш талаб этиладиган фаолият йўналишлари сони сезиларли равишда қисқартирилди. Қарийб 70 та лицензияланадиган фаолият йўналиши ва 34 та рухсатнома бекор қилинди ва муқобил шаклларга ўтказилди. Соҳага илк маротаба хабардор қилиш тартиби алоҳида институт сифатида жорий этилди. Натижада 14 та лицензияланадиган фаолият йўналиши ва 13 турдаги рухсатнома хабардор қилиш механизмига ўтказилди.

Масалан, оилавий мактабгача таълим, ломбард, ветеринария-даволаш, алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш каби фаолиятларни ваколатли органларни хабардор қилиш орқали бошлаш мумкин. Шунингдек, "Лицензия" ахборот тизими ишга туширилиб, жорий йилнинг 1 август ҳолатига хабардор қилиш тартиби бўйича 8 мингдан ортиқ хабарнома қабул қилинди. Тасаввур қилиб кўринг, бир йил олдин тегишли рухсатнома олиш учун 15 кун кутиш шарт бўлса, энди тизим орқали 10 дақиқа ичида тегишли идорани хабардор қилиб, тадбиркорлик фаолиятини бемалол бошлаш мумкин.

Ислоҳотларнинг иккинчи босқичида лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги 130 дан ортиқ қонун ҳужжатини тизимлаштириш ва кодификациялаш, давлат хизматлари паспортларини ишлаб чиқиш ҳамда намунавий маъмурий регламентларни жорий қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш режалаштирилган. Жумладан, янги "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан барча лицензиялар, рухсатномалар ва хабардор қилиш тартибларининг ягона рўйхати тасдиқланди. Бу орқали тадбиркорларга катта қулайлик яратилди.

**— Бу жабҳадаги ишларни янада ривожлантириш бўйича қандай режаларингиз бор?**

— Режалар бисёр. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи 5 000 га яқин қонунчилик ҳужжатини тизимлаштирувчи Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш ниятидамиз. Тадбиркорларга нисбатан маъмурий босимга сабаб бўлаётган ортиқча назорат функцияларини мақбуллаштириш ҳамда текширишларни ўтказиш, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилишни тўлиқ электрон равишда амалга ошириш имконини берувчи "Ягона давлат назорати" ахборот тизимини жорий этишни мақсад қилганмиз. Бунинг натижасида тартибга солиш хусусиятига эга ва ҳуқуқни қўллашда турли ёндашувларга сабаб бўлган ҳаддан ташқари кўп қонунчилик ҳужжатлари бекор қилиниб, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат орқали иш юритилади. Мақсадсиз текширишлар ва назорат тадбирларининг олди олинади.

> **ОЧИҚЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ, ШУБҲАСИЗ, МОЛИЯВИЙ МАЪЛУМОТЛАРДИР. МАБЛАҒЛАРНИНГ САРФИ, ҚАЕРДАН КЕЛИБ ҚАЕРГА КЕТАЁТГАНИ, НИМА МАҚСАДЛАРДА АЖРАТИЛАЁТГАНИ, УМУМАН, АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВА ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАЪЛУМОТЛАР ВАЗИРЛИК ВЕБ-САЙТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНДА ХАРАЖАТЛАР, УЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ, ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР РЎЙХАТИ БИЛАН ТАНИШИШ МУМКИН БЎЛАДИ. АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲАР ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА АҲОЛИГА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ЮЗАСИДАН ҲИСОБОТ БЕРИШ ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ.**

Яна бир муҳим вазифа адвокатура соҳаси билан боғлиқ. Ўтган давр мобайнида жамиятда адвокатура институти ҳамда адвокатларнинг ролини янада ошириш мақсадида қонунчиликка муҳим нормалар киритилди. Шу билан бирга, амалда адвокатуранинг мустақиллигини таъминлаш, профессионал юридик ёрдам сифати ва адвокат касбининг нуфузини ошириш борасида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу муаммоларни бартараф қилиш мақсадида, адвокатга нисбатан қамоққа олиш, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва бошқа санкциялар Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳри суди томонидан қўлланилиши, шунингдек, адвокат сўровига асосан ҳақ эвазига экспертиза тайинланиши ҳамда адвокатларнинг иш фаолиятида манфаатлар тўқнашувига таъсир қилмаган ҳолда бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш имкониятини жорий қилиш лозим. Бу ишлар фуқароларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини оширади.

Аҳолига юридик ёрдам кўрсатиш тизимида Британия тажрибаси асосида бепул юридик ёрдам кўрсатувчи "Мадад" ННТ фаолиятини йўлга қўйганмиз. Бу тизим орқали бугунги кунга қадар 300 мингга яқин бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатилган. Келгусида ушбу тизимни янада кенгайтириш орқали аҳолига бепул юридик ёрдам кўрсатиш тизимини кучайтирмоқчимиз.

Мулкий ҳуқуқларнинг ҳимояси ва дахлсизлигини кучайтириш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Хусусан, хусусий мулкка ноқонуний аралашган мансабдор шахс жиноий жавобгарликкача жазога тортилиши, ноқонуний ҳаракатлар натижасида мулкий зарар кўрганда мулкдорга етказилган зарар биринчи навбатда давлат томонидан қоплаб берилиши, кейинчалик айбдор шахсдан давлат томонидан ундириб олиниши, мулкка тажовуз қилаётган шахсга зарар етказадиган тажовуз қуроли бўлган ашёни олиб қўйиш, йўқ қилиш ёки унга шикаст етказиш қонунга хилоф қилмиш ҳисобланмаслиги бўйича қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш лозим.

Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулк ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш халқимизнинг давлатимиздан рози бўлиши йўлида яна бир дадил қадам бўлади ҳамда иқтисодий ривожланишга қулай муҳит яратилади.

Июнь ойида вазирлик томонидан "Фермерга мадад" ҳуқуқий акциясига ҳам старт берилди. Биз қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ жараёнларни, фермерни мажлисга жалб қилишдан, ҳосилни сотишгача бўлган даврдаги ҳақиқий ҳолатни ўрганиб уларда мавжуд бюрократияни, муаммоларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқамиз. Ҳозир режада қишлоқ хўжалиги соҳасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда қишлоқ хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ва шартнома рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киришини бекор қилиш, мажбурий бўлган намунавий контрактация шартномасидан воз кечиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида тузилган барча шартномаларнинг интернет тармоғида онлайн маълумотлар банкини яратиш каби таклифлар мавжуд. Бунда энг асосий эътибор давлатнинг фермер хўжалиги фаолиятига маъмурий аралашувини қисқартириш, фермерларга кўпроқ эркинлик яратишга қаратилган.

Хулоса ўрнида Президентимизнинг юқорида қайд этилган интервьюсида келтириб ўтилган қуйидаги сўзларини ёдга олиш жоиз: **"Маълумки, аждодларимиз азалдан "Зулм қилма, инсофли бўл, халқ учун адолат қўрғонини бунёд эт", деб ёш авлодга йўл-йўриқ кўрсатганлар. Биз ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишда ана шундай содда ва ҳаётий талаблардан келиб чиқдик".**

Дарҳақиқат, халқ учун адолат қўрғонини бунёд этиш бугун мамлакатимизда, жумладан, адлия тизимида кечаётган ислоҳотларнинг бош мақсадига айланган. Ишончимиз комилки, бу йўналишда узоқни кўзлаб амалга оширилаётган хайрли ишлар демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим дастуруламал бўлади.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Баҳор ХИДИРОВА суҳбатлашди.**

МУНОСАБАТ

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



**Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро институти директори**

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишлари қаторида очиқ, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат соҳасида эришилаётган натижалар ҳам алоҳида тилга олинди.**

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк кунлариданоқ ташқи сиёсат соҳасида барча давлатлар билан дўстлик ва стратегик шериклик алоқаларини кенгайтириш бўйича муҳим принципиал позицияни белгилаб берди ва шу йўналишда қисқа муддатда муҳим натижаларга эришилмоқда. Бугун бу борадаги ўзгаришлар халқимиз ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётгани қувонарлидир. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларда эришилган улкан натижалар бунга ёрқин мисолдир.

Ўтган қисқа вақт ичида қўшни мамлакатлар ўртасида кўп асрлик дўстлик ва ўзаро ишонч муҳити мустаҳкамланди, кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий стратегияси, давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва қўшма саъй-ҳаракатлари туфайли узоқ йиллар мобайнида ўзаро алоқаларда ечимини кутаётган, минтақавий ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга оширишда тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳал этилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари билан яқин стратегик шериклик муносабатларини ўрнатишга муваффақ бўлди. Хусусан, давлат чегараси, фуқароларнинг ўзаро борди-келдиларини ташкил этиш ва бошқа қатор масалаларда мақбул ечимларга эришилди. Транспорт, темир йўл ва ҳаво йўллари бўйича қатновлар қайта тикланди, янгидан-янги транспорт йўлаклари ишга туширилди. Сув ресурсларидан фойдаланиш борасида юқори самарадорликка эришилди, шунингдек, янги гидротехник иншоотларни қуриш лойиҳалари бўйича самарали ишлар йўлга қўйилди.

Кундан-кунга ривожланаётган қардошлик алоқаларимиз глобал пандемия туфайли юзга келган мураккаб шароитда яна бир карра синовдан ўтди. Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамжиҳатлик асосида бир-бирларига мунтазам инсонпарварлик кўмаги кўрсатмоқда. Савдо-иқтисодий кўрсаткичларнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани ўзаро алоқаларнинг жадал суръатларда ривожланаётганидан далолат. Жумладан, 2016-2020 йиллар оралиғида Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баробар ошиб, жами 5 миллиард долларни ташкил этди. 2016 йилдан буён рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар сони 5 баробардан ошиб, 1600 тага етди. Ташқи инвестициявий ҳамкорлик алоқалари фаоллашиши натижасида қўшма инвестиция компаниялари барпо этилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, савдо-сотиқ, саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида муҳим ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳукуматлар, вазирликлар ва идоралар даражасидаги ўзаро алоқаларнинг турли форматлари яратилди. Қўшма бизнес форумлар, саноат кўргазмалари ва ярмаркаларни ўтказиш яхши анъана тусини олди. Давлатимизнинг халқаро ва минтақавий платформалар доирасида ҳамкорлик алоқалари кенгайгани янада қувонарлидир.

Зеро, бир неча йил аввал Марказий Осиё давлатларининг БМТ, МДҲ, ШҲТ, ИҲТ, Туркий кенгаш ва бошқа қатор халқаро платформаларда умумий позицияда ҳаракат қилишини тасаввур этиш ҳам имконсиздек эди гўё. Айни пайтда эса минтақадаги ижобий ўзгаришлар ва ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда. Шу ўринда БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш ва Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси деб эълон қилиш тўғрисидаги резолюциялари қабул қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир. Бунинг мантиқий давоми сифатида “халқ дипломатияси”га алоҳида эътибор қаратилиб, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт соҳасида турли тадбирлар ташкил этилмоқда.



Бу эса қардош халқларимиз ўртасида тарихан бир-бирига яқин маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси илгари сурилган эди. Ушбу ташаббус ҳамкор давлатларимиз томонидан бир овоздан маъқулланди. Бу эса Марказий Осиё тараққиётидаги долзарб масалаларга, шунингдек, ташқи муаммолар, таҳдидлар ва хавф-хатарларга нисбатан умумий ёндашувлар ишлаб чиқилишига ҳисса қўшди.

Шу йил 5-6 август кунлари Авазада Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича қўшма баёнот қабул қилинди. Бу кўп қиррали минтақавий шерикликни янада кенгайтириш бўйича яқин ҳамкорликни давом эттириш борасидаги қатъий қарашларимизнинг амалий тасдиғидир. Бу ишлар, аввало, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт коммуникацияси, энергетика соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, минтақамизда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек: **“Фақат биргаликда, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, юзага келадиган муаммоларни самарали ҳал қилишга, минтақанинг барқарор тараққиётини таъминлашга ва халқларимиз фаровонлигини оширишга эришишимиз мумкин. Бунинг бошқа ҳеч қандай муқобили йўқ!”.**

Янгича сиёсий муҳитни шакллантириш, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, истиқболли дастурлар ва лойиҳаларни амалга оширишда, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон раҳбари томонидан белгилаб берилган, пухта ўйланган ва узоқни кўра оладиган янги ташқи сиёсат стратегиясининг аҳамияти беқиёс. Шу нуқтаи назардан бир йил муқаддам Президентимиз ташаббуси билан Марказий Осиё халқаро институтининг ташкил этилиши том маънода юртимизда илмий-амалий тадқиқотларга асосланган, изчил, тизимли ташқи сиёсат юритилаётганидан далолат.

Бу каби ишларнинг муваффақияти, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий, молиявий, инновацион, технологик ва инсон салоҳияти ўсиши, изчил амалга оширилаётган кенг ислоҳотлар самарасидир.

# ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

**Бизнинг “Best veg” қўшма корхонамиз Олтинсой туманида ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирларида иш бошлаган ва узоғи билан уч йил ишлаб фаолиятини тўхтатган корхона ўрнида ташкил этилган. 2019 йили корхонани реконструкция қилишга киришгандик. Италия, Бельгия ва Германиядан умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларлик замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Хорижлик мутахассислар ёнида маҳаллий ёшлар иш ўрганди.**



**Дилшод ҚОДИРОВ,
Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги “BEST VEG” Канада-Ўзбекистон қўшма корхонаси раҳбари**

Дастлаб хомашё фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқаларидан харид қилинган бўлса, ўтган йили Олтинсой туманининг “Шакарқамиш”, “Эграз”, “Дуғоба” маҳаллалари ҳудудидан ажратилган 200 гектар майдонда ўзимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва кўкатлар етиштирдик. Бу йил ҳам экин майдонларимизда гулкарам, шивит, қовоқ ва бошқа маҳсулотлар парваришладик ва қуритиб, жами 380 тонна маҳсулотни Германия, Польша, АҚШга экспорт қилдик. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, сабзавотларнинг ҳозир даладан узилганидан кўра, қуритилганини экспорт қилиш истеъмолчиларга ҳам, бизга ҳам ҳар жиҳатдан манфаатли бўляпти. Жорий йилнинг 1 август ҳолатига жами 1 миллион 115 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотларни чет элга сотдик.

Айни пайтда корхонамизда 70 киши доимий иш билан банд. Шунингдек, февраль ойидан то ноябрь ойигача 50-60 кишини мавсумий ишларга жалб қиламиз. Ялпи даромадимиздан Олтинсой тумани маҳаллий бюджетига 120 миллион сўм солиқ тўловларини амалга оширдик. Цехларимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қуритиш давом этяпти. Ишчиларимизнинг бир қисми далаларда маҳсулот етиштиряпти. Йил охиригача яна 1 миллион долларлик қуритилган сабзовот маҳсулотлари ҳамда кўкатлар экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Куни кеча Президентимизнинг тадбиркорлар билан учрашувида корхонамиз энг яхши экспортёр корхона сифатида эътироф этилди ва менга миннатдорлик хати топширилди. Давлатимиз раҳбарининг “... кейинги йилларда сизлар иқтисодимиз ва ислоҳотларимиз таянчига айландингиз”, деган сўзлари шахсан мени ғоят руҳлантирди.

Президентимиз таъкидлаганидек, энди тадбиркорларга кредитларни миллий валюта — сўмда ва бизнес вакиллари учун мақбул фоизда бериш тизими йўлга қўйилади. Шунингдек, хорижий валютада олинган олдинги кредитлар тадбиркор ва тижорат банклари ўртасидаги келишувга асосан, миллий валютага ўтказилиши биз тадбиркорлар учун катта имконият. Бундан ташқари, бундан кейин кредитни расмийлаштиришдан тортиб маҳсулотни олиш-сотишгача бўлган барча жараёнлар электрон тарзда онлайн ҳал этилиши ишбилармонларни овораю сарсон бўлиб, беҳуда вақт йўқотишларига чек қўяди.

Учрашувдаги яна бир қувонтирадиган жиҳат шу бўлдики, корхоналарнинг ҳозир эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижара ҳуқуқи асосида эгаллаб турган ер майдонлари мулк қилиб расмийлаштириб берилади. Биз ҳам анчадан бери еримиз масаласида ҳар хил хавотирларда эдик. Ўйлайманки, тадбиркорлар учун берилаётган бу имтиёзлар ишимиз янада яхшиланишига хизмат қилади.



**Президентимиз жорий йил 20 август куни мамлакатимиз тарихида илк бор тадбиркорлар билан кенг форматда очиқ мулоқот ўтказди. Унда иштирок этар эканман, давлатимиз раҳбарининг соҳани ривожлантириш, қулай ва жозибадор ишбилармонлик муҳити яратиш йўлидаги муаммолар ва уларни ҳал этишга қаратилган муҳим таклифлари, илгари сурган ташаббуслари мени ниҳоятда ҳаяжонлантирди.**

# ИЧКИ ВА ТАШҚИ БОЗОРДА ЎЗ НУФУЗИ ВА БРЕНДИГА ЭГА ТАДБИРКОРЛАР СИНФИ ШАКЛЛАНА БОШЛАДИ



**Ваҳобжон МУРОТҚОБИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси**

Яқин ўтмишда тадбиркорлик юртдошларимиз учун уддалаб бўлмас машаққат бўлиб туюларди. Сабаби, бож тўловлари қимматлиги, ер, хомашё олиш, корхона очишдаги қатор тўсиқлар, лицензиялар, рухсатномалар, бир амаллаб бизнесни йўлга қўйиб олганда ҳам, текширувчилар, назоратчилар тадбиркорларнинг ҳафсаласини пир қиларди.

Ниҳоят, тадбиркорлар, бизнес бошлашга иштиёқмандлар учун яхши замонлар келди. Кейинги беш йил мобайнида туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ой сайин, кун сайин яхшиланиб борди. Тадбиркор йўлига тўсиқ бўлиш давлат сиёсатига хиёнат деб қабул қилинди. Асоссиз текширувларга чек қўйилди, экспортёрлар рағбатлантирилди, ишбилармонлик ташаббуслари тўлиқ қўллаб-қувватланди.

2020 йилда тадбиркорлик субъектларига 100 триллион сўм ёки 2016 йилга нисбатан 4 баробар кўп маблағ ажратилгани ҳам бу соҳага давлат раҳбари даражасида жуда жиддий эътибор қаратилганини кўрсатади. Ушбу вақт давомида тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини бутун мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринларини яратди ва нуфузли йирик компанияларга айланди. Ички ва ташқи бозорда ўз нуфузи ҳамда брендига эга тадбиркорлар синфи шакллана бошлади.

Мулоқотда Президентимизнинг соҳада амалга ошириладиган ислоҳотлар ҳақидаги сўзларини тинглаб, ана шундай хулосага келдим: Ўзбекистонда хусусий секторни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларга янада кенг йўл очиб беришнинг янги, мисли кўрилмаган босқичи бошланяпти.

Масалан, учрашувда солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнесга солиқ юкини имкон қадар камайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Пандемия даврида мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилиб, кўпроқ зарар кўрган тармоқларга ижтимоий солиқ 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилди. Мол-мулк ва ер солиқлари тўловларидан буткул воз кечилди.

Республикамизда миллий сертификат олиш талаби мавжудлиги туфайли тадбиркорлар вақтдан ҳам, маблағдан ҳам ютқазиб келаётган эди. Президентимиз бир ой ичида хорижда сертификат берилган асбоб-ускуна ва хомашёларга миллий сертификат олиш амалиётини бекор қилиш бўйича топшириқ берди. Қолаверса, ҳукумат комиссияси зиммасига қисқа муддатда хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар учун импорт божи ставкаларини пасайтириш бўйича қарор лойиҳасини киритиш вазифаси юкланди.

Ишбилармон электрсиз бир кун ҳам ишлолмайди. Давлатимиз раҳбари шу йил якунига қадар тўлиқ хусусий инвестициялар ҳисобига умумий қуввати 1 минг 800 мегаватт бўлган 8 та иссиқлик ва қуёш электр станциялари ишга туширилишини маълум қилди. Бу эса кўп йиллардан буён тадбиркорларни ўйлантириб келаётган масалалар яқин орада ижобий ҳал этилади, деганидир.

Учрашувда бундай мулоқотларни анъанага айлантириб, ҳар йили ташкил этиш, 20 августни мамлакатимизда “Тадбиркорлар куни” деб эълон қилиш таклифи илгари сурилди ва бу таклиф якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Шу жиҳатдан учрашувда илгари сурилган барча ташаббуслар соҳа ривожига, тадбиркорга ишонч ва шижоат бағишлашга, мамлакатимизнинг бизнес муҳити жозибадорлигини оширишга, энг муҳими, аҳолини иш билан таъминлашга хизмат қилади, деб барралла айта оламиз.

Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотга киришганлиги, энг аввало, бизнес вакилларида, балки шу соҳага қўл уриш истагида бўлган фуқароларимизда ўзига бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

ЭНГ ЯХШИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ТАДБИРКОР

**Президентимиз имзолаган фармойишга асосан менга давлатимиз раҳбарининг миннатдорчилик хатини топширишди. “Энг яхши солиқ тўловчи” деган номга муносиб топилганимдан, эътироф этилганимдан хурсандман. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида вилоят студиясидан туриб қатнашдим.**

# ИМТИЁЗЛАР БИЗНИ ЯНАДА ЯХШИРОҚ ИШЛАШГА ЧОРЛАДИ

**Алексей ТУДАКОВ,
“CHORTOQ MINERAL WATER” МЧЖ қўшма корхонаси раҳбари**

Учрашувда Юртбошимиз “Биз доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган тадбиркорларимизни ўз ишига фидойи ва жонкуяр, ватанпарвар инсонлар деб биламиз ва уларни қадрлаймиз. Айниқса, мураккаб пандемия давридаги синов ва қийинчиликлар пайтида ҳам халқимизга мададкор бўлиб, ўз бизнесини нафақат сақлаб қолган, балки янги иш ўринларини яратиб, муҳтожларга кўмак бераётган ҳамда ишлаб чиқариш ва экспортни оширган тадбиркор дўстларимга бугун чин қалбимдан раҳматлар айтаман”, дея бизни ўзига яқин олгани барчамизга мамнунлик бағишлади.

Қўшма корхонамиз 2016 йилда ташкил этилган. Компаниямиз қисқа муддатда Ўзбекистон бозорида етакчи ўринни эгаллади. Бугунги кунда эса “Chortoq” брендли минерал сув сифати, таркиби, таъми ва фойдали хусусиятлари туфайли истеъмолчиларнинг эътирофини қозонди. Чортоқ суви ошқозон-ичак тракти, жигар, ўт йўллари, ошқозон ости бези ва диабет касалликлари, шунингдек, йод танқислиги касалликларини даволаш учун ишлатилади. Бу маъданли сувнинг инсон организми учун фойдали хусусиятлари бисёр.

Голландиянинг Buncra BV компанияси ва маҳаллий таъсисчиларнинг инвестициялари билан минераллаштирилган манба жойлашган ерда 0,5 ва 0,33 литр ҳажмли шиша идишларга сув қуйиш заводи қурилди. Корхонада халқаро сифат ва озиқ-овқат хавфсизлиги



стандартларига жавоб берадиган энг замонавий ускуналар ўрнатилган.

Мамлакатимиз раҳбари 2019 йил 28 февраль куни Наманган вилоятига ташрифи чоғида Чортоқ туманига келиб, корхонамиз қувватини кенгайтириш лойиҳаси билан танишганди. Шишага сув қадоқлашни йилига 20-30 миллион донагача ошириб, уларни юртимиздаги барча боғчалар, ёзги оромгоҳлар, шифохоналар, ижтимоий дорихоналар, супермаркетларга етказиб бериш зарурлигини таъкидлаган.

Ҳозирда бир ойда 2 миллион шиша, бир йилда эса 24 миллион шиша идишда минерал сув қадоқлаяпмиз. Маҳсулотларимиз Хитой, Россия, Жанубий Корея, Беларусь, Мўғулистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби ўнга яқин хорижий мамлакатларга экспорт қилинади. 2021 йил бошидан бери ўтган 7 ой давомида жами 8 миллиард сўм солиқ тўладик ва йирик солиқ тўловчи мақомига эришдик. Даромадимиз ҳам шунга яраша, рақобатга эса ҳамиша тайёр турамиз.

Доимо интилишдамиз ва янгилик қилишдан, хизмат кўрсатиш объектларидан маъданли ичимликни тарғиб этишдан тўхтамаймиз. Хабарингиз бор, шу йил Наврўз айёмида шиша идишимиз ёрлиғини баҳорий кўринишга ўзгартирдик ва бу кўнгилдагидек самара берди, харидорларга яхши кайфият улашди. Энди эса маҳсулотимизни Ўзбекистонимиз истиқлолининг 30 йиллик юбилей санасига ҳам энг улуғ, энг азиз байрамга хос ёрлиқ ёпиштирилган ҳолда 30 августдан сотувга чиқарамиз. Ёрлиқда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларимиз рамзлари ҳудудларга мўлжалланган ҳолда акс этади.

Президентимиз очиқ мулоқот давомида солиқ ставкалари билан боғлиқ мурожаатга қарата жавоб бера туриб, шуни алоҳида таъкидладики, тадбиркорлар инвестиция миқдоридан келиб чиқиб, олдинроқ мол-мулк, ер ва сув солиқларидан 10 йилгача озод қилинган эди. Энди ушбу имтиёзларга фойда солиғи ҳам қўшилади ва корхоналар ихтиёрида йилига қарийб 300 миллиард сўм маблағ қолади. Берилаётган мазкур имтиёзлар бизни жуда руҳлантириб юборди. Келгусида ушбу имтиёзларга жавобан янада яхшироқ ишлаймиз ва давлатимиз хазинасига яна кўпроқ солиқ тўлаймиз.

БУГУННИНГ ГАПИ

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” ДЕГАН ТУШУНЧА РЕАЛ ВОҚЕЛИККА АЙЛАНДИ

**Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири**



**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига берган жавоблари нашр этилди. “Янги Ўзбекистон: демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” сарлавҳаси остида чоп этилган ушбу интервью халқимиз орасида катта резонанс келтириб чиқарди.**

Авваламбор, бу интервью — фундаментал дастурий чиқиш. Унда сўнгги 5 йилликда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсати, бугунги ва эртанги кунига доир устувор вазифалар ҳақидаги мулоҳазалар баён қилинган.

Ҳар қандай иқтисодчи, сиёсий эксперт ва социолог учун 5 йилда мамлакатда амалга оширилган тизимли ўзгаришлар ҳақида ўша ислоҳотларнинг асосий ташаббускори, бевосита раҳбаридан эшитиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш концепциясининг ташаббускори бўлган давлатимиз раҳбари барча соҳалар қаторида алоҳида эътиборни таълим масалаларига қаратди. Интервью давомида “таълим” тушунчаси 13 маротаба зикр қилинган. Президентимиз бошчилигида сўнгги йилларда олий таълим соҳасида қўлга киритилган ютуқлар қаторида олий ўқув юртларининг сони 2 баробар (77 дан 141 тага), умумий қамровнинг 3 баробар (9 фоиздан 28 фоизгача), қабул квотасининг 3 баробар, давлат грантларининг 2 баробар (21 мингтадан 47 мингтага) оширилгани таъкидланди.

Олий таълим соҳасидаги ўзгаришлардан кўзланган асосий мақсад — мамлакатимизда юқори билим ва малакага эга бўлган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш. Шу билан бирга, ушбу дастурий матнни контент-таҳлил қиладиган бўлсангиз, “таълим” сўзи “тарбия” деган сўз билан кўп маротаба ёнма-ён келган. Бу биз узлуксиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиздан далолатдир.

Бугун мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида барча соҳаларда эришган натижа ва йўл қўйилган камчиликларни чуқур сарҳисоб қиладиган вақт. Шу қисқа вақт давомида олий таълим соҳасида сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди десак, айни ҳақиқат. Шу билан бирга, биз изчил тарзда олдинга юриб, эришган натижаларимизда тўхтаб қолмаслигимиз керак.

Талаба-ёшларимизнинг замонавий меҳнат бозорига мос келадиган билим олиши, илм-фан ва инновациялар жабҳасида интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариши, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун зарур шароитлар барпо этишимиз даркор.

Зеро, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон” деган тушунчани реал воқеликка айлантирган экан, биз бу юксак номга янада чуқур мазмун-моҳият бахш этишимиз лозим.

# КЎТАРИНКИ РУҲ ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

**Муҳаммаджон ҚУРОНОВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, профессор**



**Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсини ўқидим. Ўқидим-у, кўнглим тоғ қадар юксалди.**

Биласизми, интервьюдан халқимизга жўшқин, ғайратли муҳаббат, халқимизни рози қилишга қаратилган азми қарор уфуриб турибди. Унда халқимизнинг барча қатламларига — боғча боласидан нуронийларимизгача алоҳида эътибор қаратилган. Ҳақиқатан ҳам, тўрт томонимизга қарасак, халқ розилиги учун қилинган, қилинаётган амалий ишларни кўрамиз.

Олти устувор вазифадан бири сифатида маънавият ва маърифатга алоҳида урғу берилган. Бу соҳа тараққиётимизнинг мустаҳкам пойдевори экани қатъий таъкидланган. Бу бежиз эмас.

Тан олайлик, маънавият ва маърифат соҳасига эътибор 30 йилда ҳозиргидек кучли бўлмаган. Бугун маънавият иқтисодиётнинг жони мақомида эъзозга сазовор бўлди. Нега? Чунки иқтисодни кимнинг ақли, қўллари яратади? Инсоннинг. Бунинг учун инсон капитали бой бўлиши керак. Инсон капитали нима? Унинг билимлари, кўникмалари, компетенциялари ва, энг муҳими, Ватанга садоқати. Унинг онги ва қалбига маъно тўлса, инсон Ватан иқтисодиётини ривожлантиришга қодир руҳий қувватга эга бўлади. Акс ҳолда у бефарқ, ғайрати йўқ, завқи йўқ, беғам, боқиманда бўлиб яшайверади.

Шунинг учун интервьюда давлатимиз раҳбари маънавиятни куч-қудрат, ривожланиш пойдевори дея баҳолаб, маънавият ва маърифатнинг ўрни ва таъсири тобора ортиб боряпти, дейди. Дарвоқе, шу йил март ойида Президентимизнинг шу соҳага алоқадор иккита, Вазирлар Маҳкамасининг битта қарори қабул қилинди.

Интервьюни ўқиган киши ундан ўзига кўтаринки руҳ, ғурур ва ишонч олади. Чунки унда:

Ватанга меҳр ва садоқатни байроқ қилишга;

ягона халқ — ягона миллат бўлиб бирлашишга;

янги Ўзбекистон бунёдкорлари қаторига қўшилишга даъват бор.

Ҳар биримизга янги Ўзбекистон бунёдкорлари сафида бўлиш насиб этсин.

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ

# ЮРИДИК ТЕХНИКУМНИ БИТИРГАНЛАР ҚАЕРДА ВА КИМ БЎЛИБ ИШЛАЙДИ?

**Кейинги йилларда ўрта махсус таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди — таълим сифати янги босқичга кўтарилди, шакли буткул ўзгарди. Бу жараёнда қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани, жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига мувофиқ профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО қабул қилган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлаштириб борилаётгани эътиборга молик.**



**Ўткирбек МУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳри юридик техникуми директори, юридик фанлари доктори, профессор**

Ўрта махсус таълим тизимидаги муҳим ўзгаришлардан бири — меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлашга ўтилгани. Меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бирига айланди.

Шу мақсадда 2020/2021 ўқув йилидан Ўзбекистонда Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этила бошланди. Улардан бири ўрта бўғиндаги ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлайдиган юридик техникумлардир.

Юридик техникумлар халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим ҳисобланган олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари ҳисобланади.

Президентимизнинг 2018 йил 13 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан вазирлик тузилмасида ҳар бир ҳудудда биттадан, жами 14 та юридик техникум ташкил этилди.

Мазкур қарор орқали юридик кадрлар тайёрлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, юридик техникумларда давлат ҳуқуқий фаолият, юридик хизмат ҳамда суд-ҳуқуқий фаолият мутахассисликлари бўйича янгича шакл ва мазмунда кадрлар тайёрлаш тизими иш бошлади. Уларга умумий ўрта таълим (11-синфни) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини битирганлар ҳужжат топшириши мумкин.

Қабул 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовлари орқали амалга оширилади. Тест синовлари тарих ҳамда хорижий тил (инглиз, немис ёки француз тиллари) фанларидан бўлиб ўтади. Хорижий фуқаролар юридик техникумлар томонидан ташкил этиладиган суҳбат асосида қабул қилинади. Абитуриентлар ўқишга давлат гранти, тўлов-контракт, шу жумладан, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида қабул қилинади.

2021/2022 ўқув йили учун мазкур техникумларга абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиш 2021 йил 1 августдан 20 августга қадар амалга оширилди. Бунда ҳужжатлар Давлат хизматлари марказлари, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.my.gov.uz) ёки Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (www.dtm.uz) орқали қабул қилинди.

Юридик техникумларда ўқиш муддати 2 йил бўлиб, кундузги ва сиртқи таълим шакли мавжуд.

Юридик техникумларга ҳар йили 3 минг 180 ўқувчи қабул қилинади. Шундан 1 минг 950 нафари кундузги, 1 минг 230 нафари сиртқи таълимда таҳсил олади ва ўқишни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ҳудудий адлия органлари йўлланмалари бўйича кириш тест синовларисиз суҳбат асосида 2-курсдан Тошкент давлат юридик университетига ўқишга қабул қилинади.

Юридик техникумларда номутахассислик фанлар сони қисқартирилиб, ўқув жараёни кредит-модуль тизимини қўллаган ҳолда ташкил қилинади. Халқаро даражадаги юристларни тайёрлаш мақсадида юридик техникумларда қўшма таълим дастурлари амалга оширилади. Ушбу дастурларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ҳамкор хорижий олий таълим муассасаларида (Россия, Беларусь, Қозоғистон) ўқишини давом эттириши мумкин.

2021/2022 ўқув йилидан юридик техникумларнинг иқтидорли ўқувчиларига стипендиялар ва грантлар ажратилади. Шу билан бирга, “Электрон юридик техникум” инновацион электрон платформаси ишлаб чиқилади ва жорий этилади. Ушбу платформа таълим жараёнини рақамли технологиялар орқали бошқариш имкониятини яратади, ўқувчилар учун портал (экстранет зона) ва педагогларнинг ўқувчилар билан, ўқувчиларнинг эса ўзаро мулоқотини ўз ичига олувчи ички ахборот-коммуникация воситаларини ўзида жамлайди.

**Юридик техникумларда кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа модели (European Credit Transfer and Accumulation System – ECTS) тўлиқ жорий этилиши белгиланган. Мазкур тизим ўқувчининг касбий ривожланиши ва камолотига хизмат қилиши билан ажралиб туради. Шунингдек, бу тизим кишининг бутун ҳаёти давомида билим олишини таъминлашга ҳамда меҳнат бозори ва замонавий талабларга жавоб бера оладиган комил инсонни шакллантиришга қаратилгандир.**

Ўқув жараёни ва ўқувчиларнинг билимини баҳолашда шаффофликни таъминлаш, ўқувчилар билимини назорат қилиш ва баҳолаш жараёнини рақамлаштириш мақсадида ўқувчилар билимини баҳолашнинг электрон тизими (SRS – Student Records System) жорий қилинди.

Кўпчиликда табиий савол туғилади: юридик техникумни битирган ёшлар қаерда ва ким бўлиб ишлаши мумкин?

Юридик техникум битирувчилари нотариус ёрдамчиси, ФҲДЁ бўлими инспектори, Давлат хизматлари маркази мутахассислари, судья ёрдамчиси, давлат ижрочиси, ходимлар бўйича инспектор, юрисконсульт ёрдамчиси, архив мудири, девонхона мудири каби лавозимларда ишлаши мумкин бўлади.

Шу ўринда Тошкент шаҳри юридик техникуми ҳақида ҳам маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Бу техникум 44 йиллик тарихга эга бўлиб, ҳозиргача 20 мингдан ортиқ ўрта маълумотли юристни етиштирган. Таълим масканида турли йилларда етишиб чиққан мутахассислар бугунги кунда нуфузли ҳуқуқ-тартибот органларида масъул лавозимларда ишлаб келмоқда.

Тошкент шаҳри юридик техникумида юқорида биз қайд этган замонавий ўқитиш тизими кенг жорий этилган. Бундан ташқари, техникумда назарий дарсларни амалиёт билан уйғунлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг жиноят ишлари бўйича туман судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судларда ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда сайёр дарслар ўтказиш яхши анъанага айланган.

Шунингдек, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, тажрибали амалиётчи мутахассисларни дарс беришга жалб қилган ҳолда, ўқувчиларга ҳуқуқшунос касбининг нозик қирраларини ўргатишга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Таълим масканимизда мутахассислик фанлари — жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, конституциявий ҳуқуқ ва юристлар учун инглиз тили фанларидан ташкил этилган тўгаракларда қўшимча шуғулланиш имконияти ҳам мавжуд.

**Дарслар замонавий жиҳозлар билан жиҳозланган ўқув-аудитория хоналарида жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган методлар асосида ташкиллаштирилган. Техникумда замонавий таълим муҳитини яратишга жиддий эътибор қаратилгани самараси ўлароқ, замонавий инновацион таълим хонаси ва суд зали барпо этилди. Бу ерда ўқувчилар назария билан амалиётни уйғунлаштиради, шунингдек, таҳлилий фикрлашга ўрганади. Бунда уларга таълим муассасамизда ташкил этилган “Юридик клиника” фаолияти қўл келмоқда. Бу клиника, ўз навбатида, аҳолига беғараз ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, ёрдам кўрсатиб келмоқда.**

Мазкур ўқув йилида Тошкент шаҳри юридик техникуми битирувчиларига йўлланмалар бериш бўйича махсус комиссия қарорига кўра, техникумнинг энг иқтидорли, жамоат ишларида фаол, тенгдошларига ўрнак бўлган битта битирувчисига ТДЮУга тест синовларисиз, якка тартибдаги суҳбат асосида 2-босқичдан қабул қилинишига йўлланма берилиши тавсия этилган.

Аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши нафақат маҳаллага, балки ҳар бир хонадонга бўлган эътиборни, ҳамюртларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Техникум жамоаси таълим жараёни билан боғлиқ фаолиятдан ташқари узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутиб турган ана шу муаммоларни ҳал қилишда таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги “Заргарлик”, “Хуросон“ маҳаллалари аҳолисига яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Биргина “Заргарлик” маҳалласида яшовчи 4601 нафар аҳоли сафидаги кам таъминланганлар, ишсиз ва “Темир дафтар”га киритилган ёшларнинг иш билан таъминланиши, тадбиркорлик билан шуғулланиши йўлида кўмак кўрсатилди.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик мамлакатда ижтимоий-иқтисодий соҳанинг ривожлангани, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганиқонун устуворлиги таъминланишига бевосита алоқадор. Албатта, бунда мукаммал ишлаб чиқилган қонун-қоидалар қабул қилинишининг ўзи етарли эмас. Амалдаги қонун ҳужжатларининг ҳаётимизга тўғри татбиқ этилиши ижро, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, уларда фаолият юритувчи кадрларнинг юксак салоҳиятига боғлиқдир.

Бир сўз билан айтганда, юртимизнинг барча ҳудудларида юридик техникумлар ташкил этилиши юридик таълим ва фанни ривожлантиришда, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатни ривожлантиришда, хусусан, меҳнат бозорида талабларга мос юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин тутади.

НУҚТАИ НАЗАР

**Жорий йилнинг 20 август санаси мамлакатимиз тадбиркорлари учун янги даврни бошлаб берди. Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтган очиқ мулоқоти ҳақиқий маънода тарихий жараён бўлиб, бунга бевосита гувоҳ бўлган инсонлар қаторида эканимдан мамнунман.**
**Биз, тадбиркорлар ушбу воқеликни катта ҳаяжон билан кутдик. Республиканинг барча ҳудудларидан минглаб мурожаатлар йўлланган. Биз ҳам бу жараёнда бевосита иштирок этиб, ўз таклифларимизни билдирдик.**

# МАҚСАДИМИЗ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИГА АЙЛАНИШ



**Мухтор УМАРОВ,**
**Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси раиси**

Ниҳоят, узоқ кутилган кун келди. Етти соатга яқин давом этган очиқ, самимий учрашувда Президентимиз томонидан 7 йўналиш илгари сурилди. Амалга оширилиши қатъий белгиланган мазкур йўналишларни ишбилармон доира вакиллари катта хурсандчилик билан кутиб олди.

Масалан, банк соҳасини олайлик. Тадбиркорни қийнайдиган асосий муаммолардан бири бу банк билан боғлиқлиги барчамизга аён. Давлатимиз раҳбари уларнинг ҳамон боқиманда кайфиятда экани, бу кўплаб муаммоларни келтириб чиқараётганини очиқ танқид қилиб, масаланинг ечими бўйича йўналишларни белгилаб берди. Шундан келиб чиқиб, банк тизимини ислоҳ қилиш, нобанк тизимни шакллантириш, уларга лицензия беришни бекор қилиш таклифлари илгари сурилди.

Учрашувда Президентимиз ер масаласига ҳам алоҳида тўхталди. Унда қишлоқ ва ноқишлоқ хўжалигидаги ерларни ажратиб олиш, ноқишлоқ хўжалик ерларининг мулк қилиб сотилиши маълум қилинди. Бу билан мулкдорлар синфининг 100 йилдан бери кутаётган муаммоси ечилди — ерга нисбатан эгалик ҳуқуқи берилди. Авваллари тадбиркорларга ер фақат фойдаланиш учун ижарага берилларди. Эндиликда ердан ўзимизнинг мулкимиз сифатида фойдаланиш, бу мулкни актив ҳолатга келтириш ҳуқуқига эга бўляпмиз.

Бундан ташқари, солиқ, субсидиялар бўйича ҳам кўп енгилликлар берилди. Кичик саноат зоналарига тадбиркор 200 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция киритадиган бўлса, инфратузилмани давлатнинг ўзи олиб кириб берадиган бўлди. Бу ишбилармон учун жуда катта имконият.

Шунингдек, Президентимиз белгилаб берган 7 та муҳим йўналишда экспортда айланма маблағлар, сертификат олишдаги муаммоларни бартараф этиш, транспорт соҳасида янги ислоҳотларни бошлаш, темир йўлда юк ташилмаларини хусусий секторга бериш каби масалалар ҳам жой олган.

Шу пайтгача биз учун орзу бўлган имтиёз ва имкониятларни залда ўтирган тадбиркорлар катта ҳаяжон билан қарши олди. Кўтарилган масалаларнинг барчаси ниҳоятда жиддий бўлиб, улар узоқ йиллардан буён тадбиркорлар ва давлат томонидан ечилмай қолаётган муаммолар эди. Давлат раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли бугун улар ҳал этиляпти. Айниқса, 20 август — Тадбиркорлар куни, деб эълон қилингани барчамизни руҳлантириб юборди.

Очиғи, учрашувда бир неча маротаба кўзимга ёш келди. Бу самимий, муболағасиз, чинакам қувонч ёшлари эди. Боиси, Президентимиз ҳар бир сўзида бизнинг ичимизда йиллар давомида тўпланиб келган дардимиз, муаммоларимизни аниқ, энг нозик нуқталаригача рўй-рост кўрсатиб, ташхис қўйди, муолажа қилиш йўлларини ҳам белгилаб берди.

Мулоқотда таъкидланган йўналишлар, чиқариладиган фармон, қарорлар, албатта, амалга ошишига ишончимиз комил. Бу давлатимиз иқтисодида ҳам янги Ренессанс даврини бошлаб беради. Ана шу ислоҳотларда биз ҳам фаол қатнашишни олдимизга энг катта мақсад қилиб қўйдик.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси масъул ходим Шабаева Наиля Закирджановнага турмуш ўртоғи

**Розикулов Малик Рашидович**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

**"Ислоҳотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда: тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжаликлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида "тепа"дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан "Миллион эгатларга сочилган ўзбек", деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик. Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди..."**

*Президент Шавкат МИРЗИЁЕВнинг "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюсидан (2021 йил 17 август, 165-сон).*

# МИЛЛИОН АРМОНЛАРИ УШАЛГАН ЎЗБЕК



**Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири,
"Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби**

Юқорида келтирилган иқтибоснинг давоми — кейинги хатбошидан ўқиймиз:

**"Афсуски, мамлакатимизда тезлик билан ҳал этиш керак бўлган ўткир муаммолар бошқа соҳаларда ҳам йиғилиб қолган эди. Ҳаммаси жойида, деган кайфият билан уларни билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олиб, ғафлат уйқусига ботиб юравериш ҳам мумкин эди. Лекин бу ўзимизга, халқимизга, келажакка нисбатан хиёнат бўларди.**

**Очиқ айтмоқчиман: менинг табиатим бундай сохта ҳаётни мутлақо қабул қилолмайди. Халқимиз менга ишонч билдирди, ана шу юксак ишончни оқлаш, эл юртимизга муносиб ҳаёт шароитини яратиб бериш — мен учун ҳаётимнинг маъно-мазмунидир. Мен миллионлаб инсонларнинг тақдири учун масъулиятни зиммамга олган эканман, ислоҳотлар борасида бошқача йўл тутишим, ҳаммасини аввалгидек қолдиришим асло мумкин эмас".**

Ҳурматли ўқувчидан шу ўринда озроқ "лирик чекиниш"га изн беришини хоҳлардим.

Президент ҳар доим қатъий тарзда ўз маърузалари, суҳбат ва мулоқотларида, муҳаддис боболаримиз, улуғ алломаларимизу жадидлар ва шоирларимиздан муттасил иқтибослар келтириши кексаю ёш элдошларимизга ҳамиша марғуб ва маъқул келганки, бу нозик ҳикматпешалик давлат раҳбарининг юксак маърифатию халқпарварлигидан далолат беради. Мазкур суҳбатда ҳам ҳазрат Алишер Навоий, Соҳибқирон Амир Темур, Имом Бухорий бобомиз, устозларимиз Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлардан тамсиллар келтирилган. Ва бу иқтибослар ўз жойида, мавриди ва нуқтасига келганда донишмандона ишлатилганлиги билан ғоят қадрлидир.

Шу ўринда Алишер Навоий бободан узр сўраган ҳолда айтмоқчиманки, суҳбатнинг устозларимизнинг номлари ва сатрлари тилга олинган бандларига келганда, рости гап, хаёлларим алғов-далғов бўлиб, шундай азиз сиймоларнинг бу кунларни кўролмай армонда кетганини ўйладим. Ҳолбуки, унча кўп вақт эмас — нари-бериси билан бор-йўғи беш йил аввал бу устозларимиз тирик эдилар. Кечагидек ёдимда: Эркин ака боқий дунёга сафар этган, Абдулла ака тоби йўқ, Америкага муолажага отланаётган паллалар, самолёт кечқурун учадиган кун, биз "Адабиёт ва санъат" газетасини чиқараётган тиғиз бир пайтда Абдулла ака телефон қилиб қолди. Салом-аликдан сўнг, газетага буюрган мақола тайёр бўлганини билдиргач, сал-пал ҳансираган ҳолатда, бўғиқ товушда шундай деди: "**Мен энди бугун учиб кетаман... Тирик қайтаманми, йўқми, буни Худо билади. Энди замон мутлақо янги замон бўлади. Шуни билингларки, эски давр бошқа қайтиб келмайди. Янги давр, янги замон бўлади. Шу янги замоннинг қадрига етинглар, ҳушёр бўлинглар. Шу замоннинг минбарини эҳтиёт қилинглар, пок сақланглар...**"

Тамом-вассалом! Бор гап шу. Бир ой-бир ярим ой ўтар-ўтмас, Америкадан дилларни ларзага солган нохуш хабар келди... У пайтлар, ҳозиргидек шарт-шароитлар йўқ, лекин мамлакат Раҳбари сифатида Шавкат Миромонович шахсан ўзлари назоратга олиб, бор халқаро расм-русумлар, қонун-қоидаларни енгиллаштириш ва тезлаштириш чораларининг қисқа муддатда амалга ошириш ишларидан тортиб, то устознинг жасадини Ўзбекистонга олиб келгунга қадар, дафн маросимию барча ташкилий ишларга бош-қош бўлгани — кечагидек кўз олдимизда турибди. *"Америка — сеҳрли диёр, Ухлар эди Колумб ҳам ҳали, Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали"*, дея куйлаган миллатнинг улуғ шоири ана шундай "сеҳрли диёр"да мангу уйқуга кетиб, абадий уйқуга чўмганча уммонлар, океанлар оша ўз она Ватанига қайтиб келди.

Орадан ўтган салкам беш йиллик муддатдан кейин ҳозирги кенг ва қулай имкониятлар даврига кўникиб қолганимиз боис, юқорида келтирилган дардли-аламли манзараларга "Наҳотки шундай бўлган бўлса?" дея ишонгингиз ҳам келмайди. Лекин... Абдулла ака Миллат шоири эди, Ўзбекистон Қаҳрамони, Давлат мадҳиясининг муаллифи эди. Ва шундай шоирни давлат Раҳбари сифатида ҳам, шу халқнинг фарзанди сифатида ҳам Президент юксак қадрлар ва ҳурмат қиларди. Шу юксак эҳтиромга яраша мамлакатда биринчилардан бўлиб устоз номидаги Ижод мактабининг очилишию, Адиблар хиёбонида ҳайкали ўрнатилишигача — барча эҳтиромлар бажо келтирилди. Бундай амалий ишлар устоз Эркин Воҳидов ва бошқа марҳум шоир-ёзувчиларимиз хотираси учун ҳам бекаму кўст ўз вақтида адо этилдики, азим пойтахтнинг қоқ марказида Алишер Навоий бобомизнинг қиблага қаратиб ўрнатилган муаззам ёдгорлик мажмуаси мутаносиблигида ўхшаши йўқ яхлит Адиблар хиёбони вужудга келди.

Салкам бир аср бошпанасиз, катта идораларнинг қош-қовоғига қараб, ижарама-ижара хору зор, Ватан ичра беватан "номи улуғ — супраси қуруқ" бўлиб келган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг оқ чиннидай ярқираб турган кўркам биноси ҳам исми жисмига лойиқ ва муносиб ушбу Адабиёт бўстони ичра барқарор ватанли бўлди.

Ёки, яна бир ҳаётий мисолга мурожаат қиладиган бўлсак, Президент, бир пайтлар вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида ўзлари ташаббускор бўлиб ташкил этган, юзлаб, минглаб ёш истеъдодларнинг орзу-умидларига айланиб қолган, қалбларига сурур ва ғурур бағишлаган Республика ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинар кенгашининг ўз мавқеи ва мақомига қайтарилиши — мамлакат ижтимоий-адабий ҳаётида, айниқса, мамлакатнинг кўп сонли ёш ижодкорлари — азиз ука-сингилларимиз юрагида кенг акс-садо берди.

Бу — масаланинг амалий томони. Унинг маърифий-тарбиявий жиҳатлари, айниқса, беқиёс. Оқ кабутарлар мисол, вижир-вижир қалдирғочлар янглиғ қатор-қатор ёш истеъдодларнинг қувончу севинчларини, Ўриклисой жилғаларидай мавж урган тошқин ва шошқин бир дунё орзу-ҳавасларини кўриб сизнинг ҳам ҳавасингиз келмай иложи йўқ. Адабиёт боғининг бу навниҳоллари, эҳ-ҳе, ҳали улғайиб, одам бўлади, юрт сўрайди. Президент катта умид ва ишонч билан қайта-қайта таъкидлагандай, адабиётимизнинг яқин келажагидаги Ойбеклари, Ҳамид Олимжону Зулфиялари, Ибройим Юсуповлар, Тўлепберген Қаипбергенов билан Эркин Воҳидову Абдулла Орифлари, насиб этса, мана шу ёш истеъдодларнинг тўзмас ва мустаҳкам қаторида камол топаётганига шак-шубҳа йўқ. Бу эътибор ва эъзозлар илк ҳосилини дастлабки меваларини бераётгани адабий жамоатчиликка ҳам, барча адабиёт мухлисларига ҳам яхши маълум.

Президент мисол келтирган, устозимизнинг бир сатр шеъри атрофида мен нима учун бунча узоқ тўхталдиму, нима сабабдан тафсилотларга бу қадар кўп ва кенг ўрин бердим, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Бир замонлар алам ва армон билан "*Мулки Ҳинду Марвдин келсам топардим эътибор, Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман...*" дея изтироб чеккан Мавлоно Муқимийнинг ва ё Фурқат бобонинг дарду ҳасратлари билан бу жабрдийда зотлардан юз йил кейин яшаган, XXI асрни ҳам кўрган, мустабид тузумнинг ҳам, истиқлол даврининг ҳам дастлабки йигирма-йигирма беш йиллик бор дарду аламларини юрак-юрагидан ўткизган, "*Чекибдур Бобуру Фурқат Ватан ҳажрида афғонлар, Мен эрсам, ваҳ, не ғурбатким, Ватанда беватан бўлдим*" дея оҳу нола қилган устоз Эркин Воҳидов ва ёки "*Халқим, мозий ўтди, толе кўрмадинг, Пиширдинг ўзингга бенасиб таом, Кийгиздинг беровга, ўзинг киймадинг, Юлдузни кашф этиб ном олдинг — авом!*" дебон фиғони фалакка етган устоз Абдулла Ориповнинг ўтли-армонли сатрлари ўртасида ёки бошқа-бошқа асрлар ва сиёсий тузумларда яшаган бу шоирларнинг тирикликдаги аччиқ қисматлари ўртасида бирор-бир фарқ ё ўзга мазмун йўқ, деб ўйлайман. Бу нолакор шеърлар аро буюк бир халқнинг, миллатнинг асрлар бўйи таҳқирланган, хўрланган тақдири тутаб, чинқириб ётибди. Ушбу дарду аламлар силсиласига Ойбек домланинг "...йиғлар юрагимда Ватаним..." ёки Миртемир домланинг "Армонли куйчиман...", "Ўзбекистон тонгларини бедор кутган кўзларим", "Мажнунтол тагига ўтқазинг мени, Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим", ёхуд бир замонлар "Оқ олмалар" китобчаси билан "Онагинам, дориломон кунлар келди, шафақлари ол" дея оқ-оппоқ орзу ниятлари билан шеъриятимизга бир олам баҳорий нафасларни олиб кирган ўтнафас шоирамиз Ҳалима Худойбердиеванинг "Йиқилган байроқдек кўтариламан..." сингари сатрларини қўшиб кўрсангиз, давлат раҳбари ўз суҳбатида тилга олган "собиқ мустабид тузум" манзаралари беш панжадай аён бўлади, қолади...

Алам қиладигани, истибдод замонида, ўша миллион-миллион элатлар ичра эгилган миллион-миллион халқ фарзандлари орасида буюк миллатнинг не-не бўлажак Алишерларию Бобурлари безгакка чалиниб умри хору зорликда ўтди. Дунёга икки Буюк Уйғониш даврини берган улуғ ва маърифатли бир элнинг не-не Бухорийлару Термизийлари, қанча-қанча Хоразмийларию Самарқандийлари, не-не жаҳон чемпионларию фазогиру оламгир фарзандлари рўшнолик кўрмай, умри-ҳаёти сил бўлган ғўзабаргларгдай ўша ғариб ва нурсиз пайкалларда тақдир-насибалари поймол бўлди.

Болалик манзараларидан бир шеърий иқтибос:

***Ў, пахтазор! Кундалигим ҳали сендадир,***
***Саводимнинг таржимаи ҳоли сендадир.***
***Кеч кузгача доскаларда***
***қолиб кетган сентябрь,***
***Сентябрь, сентябрь, сен гапир!***
***Ўн икки минг эгатларда мени ахтариб***
***Қолиб кетди ёзилмаган***
***мурғак байтларим.***
***Пахта! Пахта! Бутун фикру***
***хаёллар — пахта,***
***Лабимизда қотиб қолган***
***саволлар — пахта.***
***Муаллимлар пахта дерди,***
***шофёрлар — пахта!***
***Пахта дерди йўллардаги***
***шиорлар — пахта...***
***Шунда эди келажак ҳам,***
***ёзмиш ҳам шунда,***
***Тақдир деб сўнг бир умрга***
***нолиш ҳам шунда.***
***Диёримнинг даҳолари, чемпионлари,***
***Зукко, оқил арбоблари, билимдонлари.***
***Шунда эди Худолари она тилимнинг,***
***Шунда эди паноҳлари куйган элимнинг.***
***Эҳ қанчаси қолиб кетди пахтазорларда,***
***Хазон бўлди, сўлиб кетди***
***пахтазорларда.***

Устозларимиз "Шоирман, бўйнимда шеърнинг гуноҳи" деганларидай, юқоридаги эзгин лавҳаларни мисол келтиришимизнинг боиси — бу бизнинг болалигимиз, миллион-миллион ўзбекларнинг болалиги. Президент қачонки шу мавзуни ёдга олиб, "эгилиб чигит экдик, эгилиб пахта тердик, лекин косамиз оқармади", дер эканлар, бизнинг қатори авлод кўз ўнгида шу мунглуғ манзаралар гавдаланиб, жонланиб келаверади, келаверади...

Президентнинг интервьюси ҳали газетада чоп этилмасдан уч-тўрт кун аввал, августнинг ўн учинчи кунида Токио олимпиадасида иштирок этган спортчилар ва уларнинг мураббийлари билан бўлган учрашуви, мазкур олиймақом анжуманнинг музаффар ва тантанавор руҳи, давлат раҳбарининг нечоғли ғурур ва ифтихор билан ўғил-қизларимизни муборакбод этиб қутлаганлари, ушбу маросимдаги ғолибона ва ғурурбахш манзараларнинг юксак тарбиявий аҳамияти шунчалар беқиёс ва кенг қамровли бўлдики, бу таассуротларни ҳаяжонланмасдан, кўзларга ёш қалқимасдан шунчаки ифодалаш қийин.

Ўша оқшом миллион-миллион ўзбек хонадонларида ота-оналар, фарзандлару дилбандлар, азиз ўғил-қизларимизнинг қалбида, кўнгилларида не-не орзу-умидлар уйғонмади дейсиз? Не-не юраклардаги ниятлар, насиб этса, камол топиб, халқимизнинг шаъну шавкатини олам аро бунданам кенгроқ ёйишларига ишонч ва қатъият янада мустаҳкамланди десам, муболаға қилмаган бўламан. Бу энди бошқа манзаралар. Бошқа болалик, бошқа — мутлақо янги замон фарзандларининг болалигию, юқорида айтганимиз, Янги замоннинг асал-қанд мевалари — фарзандларимиз, дилбандларимиз. Уларга, уларнинг кўркам қадду қоматларию ғайрат-шижоатига фақат ҳавас қилиш мумкин. Шукроналик билан ҳавас, ҳавас, ва яна ҳавас қилиш мумкин. Сурхон воҳасидан бахтиёр бахшимиз кўкси оҳанг ва наволарга тўлиб келаркан "Омон, омон, қандингни ур Янги замон..." дея дўмбирасига кун бермайин чертаркан, бу терманинг кейинги сатрида келадиган уйқаш-қофиядош сўзларни ўзингиз илғаб оласиз деб ўйлайман...

Суҳбат-интервьюнинг муқаддима қисмида ҳазрат Алишер Навоий бобомиздан келтирилган иқтибос, ундаги "Наврўз" — яъни янги, янги кун зиммасига юклатилган умуммиллий — умумбашарий юкнинг қанчалар залворли ва оғирлигини, айни пайтда бедор ва беором қалб, бир миллат Раҳнамосининг орзу-мақсадлари эканини, айни пайтда шу Буюк Бедорликнинг бутун миллатга — салкам ўттиз беш миллионлик Ўзбекистон халқига дахлдорлигию ҳар биримизнинг ҳаёт-мамот, ёинки, ҳаёт-нажот ишимизга айланмоғи бўйича дастурий даъватнома, шоирона ташбеҳ билан айтганда эса, дастурий давлатномадир.

"Такрор айтаман, — дейдилар Президент, — олдимизда турган ишларнинг барчасини ўзимиз, ўз кучимиз билан қилишимиз керак, ҳеч ким четдан келиб, биз учун биронта муаммони ҳал қилиб бермайди.".

Алишер Навоий бобомизнинг "*Ўз вужудингға тафаккур айлагил, Ҳар не истарсен ўзингдин истагил*" байтларига қиёсан фикрлайдиган бўлсак, Президент зиммасидаги Бурч ва Масъулият залворини ҳар биримиз ўзимизнинг — Ватанимиз, ота-онамиз, ука-синглимиз, туғишган оиламиз, ўғил-қизимизнинг олдидаги Бурч ва Масъулият сифатида қабул қилмоғимиз, қалбимиз, жисму жонимиз, жону жаҳонимиз ила бир умр, бутун умр шу эътиқодга бахшида бўлиб яшамоғимиз талаб этилаётир...

**"Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва меҳрибон оналаримиз туфайлидир. Шунинг учун биз хотин-қизларимиз олдида доимо қарздорлик ҳисси билан яшаймиз. Уларга ҳар қанча меҳр ва эътибор кўрсатсак, арзийди."**

Президент алоҳида меҳр билан тилга олган аёлларимиз, айниқса, оналаримиз олдидаги қарздорлик туйғуси бугун ижтимоий ҳаётимиз, даврү замон олдидаги, Ватанимиз, мамлакатимиз миқёсидаги — оддий маҳалладан бошланиб, янги-янги шаҳару қишлоқларимиз, йўллар ва кўприклар, янги-янги иншоот ва мактаблар, билим даргоҳлари тимсолидаги Янги Ўзбекистонимизнинг мазмун ва моҳияти ила бир мужассамликда намоён бўлмоқда.

Бундан бир юзу ўн беш йил аввал ўтган, зулму ситам, дарду аламни ҳам обдон бошдан кечирган маҳзун шоирамиз, Қўқон адабий муҳитининг нозиктаъб намояндаси бу ёруғ дунёда бор-йўғи ўттиз олти йил умр кўрган биби Анбар Отин шундай башоратли сатрларни ёзиб қолдирган экан:

***Келиб хушнуд авлодим,***
***маним мулким қилур обод,***
***Бу вайрон диёримда***
***шаҳарлар айлагай бунёд.***

Мулкимизни обод айлаб, шаҳарлар бунёд этаётган мана шундай хушнуд ва шижоатли авлодлар даври — Янги Ўзбекистон замони барча замондошларимизга муборак бўлсин, деймиз.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2699.
76603 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

ЎзА якуни — 04:35 Топширилди — 04:45